Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 2015-yil 26-mart, payshanba, **13 (593)-son** | e-mail: **xxi_asr@mail.ru**, web sayt: **www.21asr.uz**

# БИЗ САЙЛОВГА ТАЙЁРМИЗ






Солиҳ ЗОИР олган суратлар

*Куни кеча 653 та сайлов участкасини бирлаштирган 14-Тошкент шаҳар сайлов округида бўлганимизда чиндан ҳам ҳамма нарса шайлигига гувоҳ бўлдик. Хусусан, сайловчилар, кузатувчилар ва ОАВ вакиллари учун қўшимча қулайлик яратиш мақсадида округ сайлов комиссияси жойлашган бино яқинида тегишли лавҳалар ва кўрсаткичлар ўрнатилган. Хоналар барча зарур техника воситалари, компьютер, нусха кўчириш аппаратлари, телефонлар, шунингдек, сайлов тўғрисидаги қонунлар тўплами ва бошқа зарур адабиётлар билан таъминланган. Бу ерга ташриф буюраётганлар эса ўзларининг дахлдорлик ҳиссини намоён этишмоқда. Зеро, улар уч кундан кейин қайси партия номзодига овоз бериш борасида аллақачон бир қарорга келиб бўлишган.*

ПАРЛАМЕНТДА

## Фракция ўз позициясини қонунларга кўчиряпти

**O`zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга дахлдор бўлган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Фракция раҳбари Содиқжон Турдиев бошқарган мажлисда депутатлар дастлаб «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар**

Мазкур қонун лойиҳасида мамлакатимиз ҳудудида ташишни амалга оширувчи транспорт воситаларининг барча турларида йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи мол-мулкига етказилган зарар ўрнининг қопланишини кафолатлаш белгиланган. Зотан, ҳар бир фуқаронинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш O`zLiDePнинг дастурий вазифаларида устувор аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши партиянинг ғоявий мақсад-муддаолари билан ҳамоҳангдир.

Фракция аъзолари муҳокамага қўйилган «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қонун лойиҳасига партиявий нуқтаи назардан ёндашиб, уни янада такомилга етказиш мақсадида қатор таклиф ҳамда тавсияларни билдирдилар.

2

## ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛ

**Давр ўзгармоқда. Кечаги кунимиз билан бугунгиси ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, десам асло адашмайман. Собиқ иттифоқ даврида пахта монополиясига айлантирилган республикамиз истиқлол шарофати билан ўз қаддини тиклаб, жаҳонга юз тутди. Саноат, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг жадал ривожланаётганлиги, ишлаб чиқариш соҳасидаги юқори ўсиш суръатлари — буларнинг ҳаммасига мамлакатимизда олиб борилаётган доно сиёсат туфайли эришилмоқда**

O`zLiDePдан Президентликка номзод Ислом Каримовнинг сайловолди дастури билан танишар эканман, унда баён қилинган фикрлар эътиборимни тортди. Дастурда нафақат фермерлик ҳаракати, балки халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига оид бир қатор долзарб, ҳаётий вазифалар илгари сурилганки, уларнинг ижросини таъминлаш барчамиздан алоҳида масъулият талаб этади.

Бундан 23 йил муқаддам чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этган эдик. Ўшанда тасарруфимизда озуқа экинлари учун ажратилган 14 гектар майдон, 20 бош соғин сигир бор эди, холос. Яратилган қулай имкониятлардан фойдаланиб, чорва моллари туёқ сонини оширишга муваффақ бўлдик. Айни пайтга келиб жами экин майдонлари 124 гектарни, қорамоллар бош сони эса 90 тани ташкил этаяпти. Уларнинг 50 боши соғин сигир. Кўп тармоқли хўжалигимиз 65 гектарда пахта, 20 гектарда ғалла етиштиради. Чўл бағридаги 2000 гектардан иборат фойдаланилмаётган ҳудуд ҳам бизнинг тасарруфимизда. Ҳозиргача шунинг 50 гектари ўзлаштирилиб, макка, дон ва бошқа озуқабоп экинлар парвариши йўлга қўйилди.

Чорвачилик — фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири. Илгари йилига 1,5-2 тонна гўшт етиштирилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 30 тоннадан ошди. Фермер хўжалигига қарашли сув ҳавзасида балиқчиликни йўлга қўйдик. Ҳадемай аҳоли дастурхонига парҳезбоп маҳсулот етказиб беришни мўлжаллаб турибмиз.

Қишлоқ мулкдорлари учун яратилган бундай шарт-шароитдан ҳар қанча хурсанд бўлсак арзийди. Юксак эътибор ва ғамхўрлик барча соҳада эришилаётган ютуқларга мустаҳкам замин бўлаётганлиги шак-шубҳасиз. Фурсатдан фойдаланиб, халқ депутатлари туман кенгаши депутати, оддий сайловчи сифатида барча юртдошларимни жамиятимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида O`zLiDePдан кўрсатилган номзод Ислом Каримов учун овоз беришга чақираман. Биз учун энг тўғри ва мақбул йўл ҳам аслида шудир.

**Рўзигул СИДИҚОВА, Когон туманидаги «Сидиқов Наби» фермер хўжалиги раҳбари, халқ депутатлари туман кенгаши депутати.**

МУНОСАБАТ

## «Кўзлаган мақсад-муддаоларимизга албатта етамиз!»

**Дунё кенг, халқлар ва миллатлар кўп. Бир-биридан ажойиб байрамлар ҳам оз эмас. Лекин улар орасида Наврўз қадимийлиги, табиатга уйғунлиги, ҳаётий фалсафаси, маъно-мазмунининг теранлиги билан ажралиб туради. Унинг бетакрор ҳислати шундаки, ҳар қайси уй, ҳар қайси юртда тинчлик ва осойишталик бўлишига даъват этади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзининг юртдошларимиз қалбида акс-садо бераётгани ҳам кўҳна айёмнинг халқ кўнглига нақадар яқинлигидан далолат.**

3

## КУЗАТУВЧИЛАР ЭЪТИРОФИ

**Пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун юртимизга ташриф буюрган халқаро кузатувчилар учун «Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари ривожи, электрон ҳукумат ва ахборот жамиятининг қурилиши» мавзуига бағишланган брифинг ташкил этилди. Унда хорижий меҳмонларга мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар, бугунги кунда эришилган натижалар ва халқаро миқёсдаги интеграцион ҳамкорлик тўғрисида батафсил маълумот берилди**

Таъкидланганидек, яратиб берилаётган имкониятлар натижаси ўлароқ, қисқа давр мобайнида мамлакатимизда АКТнинг мустаҳкам инфратузилмаси, малакали кадрлар тайёрлаш тизими шаклланди. Сўзга чиққанлар иқтисодиётимиз ва жамиятимиз ҳаётида ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни муҳимлигини ҳисобга олиб, 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури қабул қилинганини эътироф этишди.

Бугунги кунда давлат органлари веб-сайтлари ҳамда электрон ресурслари орқали 685 турдаги интерактив хизматлар кўрсатилмоқда. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электрон хизматлар тақдим этишнинг муҳим омили ҳисобланган давлат ахборот ресурслари сони 226 та, давлат органлари ахборот тизимлари сони 297 тага етди.

Тадбирда, шунингдек, «UZ» доменидаги сайтлар сони айни кунда 20,5 мингдан ошиб, 2015 йилнинг январь ойидан бугунга қадар 2,4 мингдан зиёд янги веб-сайт ишга туширилгани ҳақида маълумот берилди. Бўлажак сайловда АКТдан кенг фойдаланиш ҳақида сўз борди. Жумладан, ушбу жараёнда замонавий технологиялар асосидаги алоқа воситалари, юқори тезликдаги интернет ресурслари билан жиҳозланган сайлов участкаларидан олинажак маълумотлар тезкорлик билан Марказий сайлов комиссиясига узатиш тизими халқаро кузатувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Улар қайд этганидек, яратилган бундай қулай имкониятлар сайлов кампаниясининг очиқлиги, ошкоралиги ҳамда шаффофлигини, округ сайлов комиссиялари фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Фахриддин НУРАЛИЕВ.**

## Халқаро анжуман

Пойтахтимизда «Аутизм: инновацион ёндашувлар ва ҳаракат стратегияси» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда организимдаги дастлабки коммуникацион бузилишлар, ўзаро мулоқот ва ижтимоий ҳаракатдаги танқислик, шунингдек, ижтимоий мослашув жараёни билан боғлиқ масалалар хусусида сўз юритилди. Австрия, Исроил, Хитой, Франция, Греция каби давлатлардан ташриф буюрган экспертлар аутистик спектрида бузилиши бўлган одамларни ўқитиш, тарбиялаш ва жамият ҳаётига мослаштириш билан боғлиқ янгича ёндашувларга тўхталиб, ушбу соҳада замонавий илм-фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш зарурлигини таъкидладилар. Қайд этилганидек, бунда асосий эътибор нафақат болалар, балки уларнинг ота-оналари, яқинлари, психология ҳамда таълим соҳаси мутахассисларига қаратилиши лозим. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази қошидаги Ахборот консалтинг хизмати билан ҳамкорликда янги лойиҳа тайёрланди. Мақсад — аутистик спектрида бузилиши бўлган болалар ва уларнинг оилаларига мажмуавий психологик ёрдам кўрсатишдан иборат.

## БУГУНГИ СОНДА:


**ИСЛОҲОТ**
Электрон битимларни расмийлаштириш янада соддалашади
2



**ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА**
Электорат манфаати ифодаланган қизғин жараён
4



**ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА**
Партиянинг кучи — оммага яқинлигида
5



**ТАҲЛИЛ**
Мулк — «ноль» харид қийматида
6




**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 24 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)**

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1939,87 | 1 АҚШ доллари | 2484,15 | 1 Хитой юани | 400,29 | 1 Туркия лираси | 964,79 | 10 Япония иенаси | 207,19 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3710,08 | 1 Миср фунти | 325,58 | 1 Малайзия ринггити | 673,39 | 1 Швейцария франки | 2542,63 | 1 Россия рубли | 41,38 |
| 1 Дания кронаси | 360,34 | 1 Исландия кронаси | 18,08 | 1 Польша злотийси | 650,10 | 1 ЕВРО | 2642,45 | 1 Украина гривнаси | 107,12 |
| 1 БАА дирҳами | 676,35 | 1 Канада доллари | 1977,51 | 1 СДР | 3421,15 | 10 Жанубий Корея вони | 22,29 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

«XXI ASR» 2015-yil 26-mart, payshanba, 13 (593)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

# 29 МАРТ – САЙЛОВ КУНИ

## Ишончли вакил учрашувлари

**Ўзбекистон Республикаси Президентлигига O`zLiDePдан кўрсатилган номзод Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятидаги ишончли вакили Исломиддин Аброровнинг сайловчилар билан учрашувларида истиқлол йилларида мустақил давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида эришилган ютуқлар тилга олинди**

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

— Собиқ иттифоқ даврида хўжаликнинг оддий бир ишчиси сифатида рўшнолик кўрган эмасман, — дейди Касби туманидаги «Шавкат» фермер хўжалиги раиси Шавкат Турсунов. — Истиқлол шарофати билан фермер бўлиб, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Фермерлик соҳаси мамлакатимизнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганини кўриб кўзингиз қувнайди.

— «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалиётга татбиқ этилгани туфайли ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашга жиддий эътибор қаратилди, — деди Яккабоғ туманидаги 17-мактаб директори ўринбосари Акбар Валиев. — Ўқув жараёнларини сифатли ташкил этиш, ўқувчиларнинг билим олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, педагогларнинг малакасини ошириб бориш юзасидан изчил ишлар амалга оширилди.

Айнан Ислом Каримов раҳнамолигидаги бундай эзгу ишларнинг самараси ўлароқ қисқа фурсатда туманимизнинг энг чекка қишлоқларида замонавий спорт иншоотлари барпо этилиб, мактабларда таълим-тарбия олаётган ёш авлоднинг баркамол бўлиб улғайишлари йўлидаги ғамхўрлик йил сайин кучайтирилмоқда.

Худди шундай учрашувлар куни кеча вилоятнинг Миришкор ва Муборак туманларида ҳам бўлиб ўтди.

## Фракция ўз позициясини қонунларга кўчиряпти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»

— Мазкур қонун лойиҳасининг мақсад-вазифаларига тўхталиш асносида ундаги айрим нуқсонларни бартараф этиш ва тўлдириш хусусида ҳам аниқ таклифлар берилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмоилов. — Бу эса фракция аъзолари қонунни синчковлик билан ўрганганидан далолатдир. Сирасини айтганда, ушбу қонун лойиҳасида умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий суғуртаси ўрнига ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш кўзда тутилаётир. Зеро, жаҳон тажрибасида бу амалиёт кенг қўлланилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 110-, «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги қонуннинг 28- ва «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддаларидаги йўловчиларнинг мажбурий шахсий суғуртасини назарда тутган алоҳида қисмлари чиқариб ташланмоқда.



Солиҳ ЗОИР олган сурат

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳаси келгусида йўловчиларга етказилган зарар ўрнини қоплаш бўйича харажатларни энг мақбул даражага келтириш йўли билан ташувчиларнинг мулкий манфаатлари ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

Кун тартибидаги навбатдаги масала ҳам фракция аъзоларининг диққат марказида бўлди. Унда «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Биринчи ўқишда кўриб чиқилган ушбу ҳуқуқий ҳужжат юзасидан сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Дониёр Абдуқодировнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг мақсади фуқаролик судларида электрон ҳужжат алмашинувини кенг йўлга қўйиш, хусусан, судга ариза ва бошқа ҳужжатларни Интернет тизими ёрдамида юбориш орқали уларнинг ишини янада такомиллаштиришдан иборат. Зеро, O`zLiDeP ўз Сайловолди платформасида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида мулкдорларнинг мулкий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши билан бир қаторда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ва қадр-қимматига қатъиян риоя қилиш таклифини олға суради.

Депутатлар амалдаги фуқаролик процессуал қонунчилигида судлар фаолиятида замонавий электрон воситалардан фойдаланишга оид нормалар мавжуд эмаслигини таъкидладилар. Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, фуқаролик суд иш юритувида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат алмашинувининг кенг йўлга қўйилгани суд жараёнининг барча босқичларини босиб ўтиш имконини бермоқда. Ана шу жиҳатларни инобатга олиб, йиғилишда қонун лойиҳаси орқали Фуқаролик процессуал кодексининг 30 дан зиёд моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилаётир. Эътиборлиси, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ва унинг ижросини таъминлаш молиявий харажатларни талаб этмайди.

Қизғин баҳс-мунозара ва ишчанлик руҳида ўтган мажлис якунида муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

## Шалола илк бор овоз беради

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига саноқли кунлар қолди. Барча жойда бўлганидек, O`zLiDeP Бухоро вилоят кенгашидаги сайлов штабида ҳам сайловни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури доирасида қизгин иш олиб борилмоқда. Бу ердаги ахборот технологиялари билан таъминланган хоналарда сайлов қонунчилигига оид ҳужжатлар, сиёсий-ҳуқуқий адабиёт ва қўлланмаларни кўриш мумкин.**

**— Сайлов штабида Президент сайлови ҳамда O`zLiDePдан кўрсатилган номзод ҳақида тўлиқ маълумот олса бўлади, — дейди Қоракўл туманидаги «Мулла Қилич бобо» фермер хўжалиги раиси Абдурауф Қиличев. — Масалан, мен номзоднинг дастури билан танишар эканман, унда мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини белгилаб берувчи устувор вазифа — хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, фермерликни тараққий эттириш йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилганлигига амин бўлдим.**

**— Бу йилги сайлов ҳаётимда энг унутилмас воқеалардан бири бўлиб қолади, — дейди мазкур тумандаги тиббиёт коллежи 3-босқич талабаси Шалола Шавкатова. — Сиёсий жараёнда илк маротаба иштирок этар эканман, барча тенгдошларим қатори шу азиз Ватан учун чексиз фахр-ифтихор туйгуларини ҳис этиб турибман. Сайлов штабида мен бир гуруҳ йигит-қизлар билан бирга овоз бериш тартиб-қоидалари, сайлов қонунчилиги билан боглиқ маълумотларга эга бўлдим.**

**Сардор Амонов, Зафар Сафаров, Суҳроб Нуров, Машҳура Қодирова сингари кўплаб ёшларга сайлов штаби аъзолари томонидан сайловда фаол иштирок этиш, Президентликка номзоднинг дастуридаги асосий йўналишлар ҳамда муҳим сиёсий кампания бўйича батафсил ахборот берилди.**

Асхор ИСТАМОВ.

СЎЗ – ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

## Ўзбекистон халқи сайлов руҳи билан яшамоқда

**ЎзА мухбирлари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этадиган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан суҳбатда бўлди**



**Вернер ФУРМАН, «Европа-Берлин» дўстлик жамияти раиси (Германия):**

— Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини кузатиб бораман. Жаҳонда 2008 йилда бошланган ва ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, мамлакатингиз ялпи ички маҳсулоти муттасил ўсиб бораётгани диққатга сазовор. Бу кўрсаткич ҳар йили 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани юртингиз иқтисодий қудрати тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётгани, бизнес юритиш ва инвестиция киритиш учун қулай муҳит яратилгани бунда муҳим омил бўлмоқда.
Ўзбекистонга келиб, халқингиз сайлов руҳи билан яшаётганига гувоҳ бўлдим. Марказий сайлов комиссияси кенг ва режали фаолият юритмоқда. Бу сайловнинг демократик талаблар даражасида ўтишига хизмат қилади. Биз, халқаро кузатувчилар учун барча имконият яратилган. Сайлов куни ўзимиз истаган участкага бориб, сайлов жараёнини кузатамиз.



**Роберт БЛУМ, Женева дипломатик доираси президенти (Швейцария):**

— Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсатини ҳурмат қиламан. Мамлакатингизда уларни соғлом ва билимли этиб тарбиялаш, ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этиш доимий эътиборда. Мактабгача таълимдан олий таълим тизимигача бўлган механизм мукаммал йўлга қўйилган. Бугун Ўзбекистон ёшлари ҳар жабҳада фаол, ўзининг юксак интеллектуал салоҳияти, иқтидори, хорижий тилларни пухта ўзлаштирганлиги билан мамлакат ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда.
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб, ёш авлод камолотига эътиборнинг яна бир намунасини кўрдим. Кутубхонанинг бой фонди, энг замонавий техник воситалар билан жиҳозлангани катта таассурот қолдирди.



**Виллем ХААГСМА, Дренте экспорт клуби президенти (Нидерландия):**

— Ўзбекистонда илк бор бундан йигирма йил аввал бўлгандим. Мамлакатингиз йил сайин ривожланиб, чирой очиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотлар самарасида мамлакатингиз дунёдаги кам сонли давлатлар қатори озиқ-овқат мустақиллигига эришган. Бугунги кунда ушбу соҳа замонавий асосда модернизация қилинмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш кўпаяётгани, фермер хўжаликлари кўптармоқли хўжаликларга айлантирилаётгани эътиборга сазовор. Бу иқтисодиётни изчил ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

## Инжиғул момо нима дейди?

**Аёл зотини, мўътабар момоларимизу мунис опа-сингилларимизни улуглар эканмиз, беихтиёр мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир» деган мазмундаги ҳикматли сўзларини эслаймиз. Шу маънода аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби йўналишларда олиб борилаётган ишлар кўлами тобора кенгаяётгани эътиборга молик. O`zLiDeP Кегейли туман кенгаши фаоллари томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳам ана шу жараённинг узвий давомидир. Гап шундаки, маслакдошларимиз Наврўз байрами муносабати билан «Жалпақ жап» овул фуқаролар йигинида истиқомат қилувчи 103 ёшли мўътабар онахон — Инжигул Иноятованинг ҳолидан хабар олдилар. Юз билан юзлашган момо маҳаллий кенгаш депутатларининг байрам табрикларию совга-саломларини қабул қилиб олар экан, қўлини дуога очиб, Яратгандан юртимизда доимо тинчлик ва осойишталик ҳукм суришини сўради.**

**Турмуш ўртоги билан тўрт ўгил ва икки қизни ўстириб вояга етказган Инжигул момо айни кунда 26 нафар набира, 40 чевара ва 3 нафар эвара ардогида.**

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати.

## Қўштепанинг ипак гиламлари

**Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш баробарида тадбиркорларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятларини ҳам кенгайтирди.**

**— Маҳсулотларимизнинг асосий харидорлари хорижлик буюртмачилардир, — дейди Қўштепа туманидаги «Иброҳимжон гиламлари» хусусий корхонаси раҳбари Иброҳимжон Султонов. — Ипак гилам тўқиш мураккаб касб. Бу ҳунарни ёшликдан пухта эгаллаш керак. Шунинг учун ҳам Лангар агросаноат коллежи билан алоқани мустаҳкамлаб, мазкур ўқув муассасасида ипак тўқиш сирларини ўрганишга мўлжалланган бўлим ташкил этдик.**

**Айни кунда шу коллежни битирган кўплаб ёшлар корхонада иш билан банд.**

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

## Электрон битимларни расмийлаштириш янада соддалашади

**Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Шу боис эндиликда интернет хизмати, электрон таълим, электрон рақамли имзо, рақамли телевидение каби тушунчалар ҳеч кимга янгилик бўлмай қолди. Айниқса, кейинги йилларда савдо ва хизмат кўрсатиш тизимига ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш баробарида бизнесни янада ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда**



**Шуҳрат ШАРАФУТДИНОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Янги таҳрирда ишлаб чиқилган «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса соҳани давр шиддатига мос равишда тараққий эттиришга қаратилган ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Президентимизнинг 2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида кўрсатиб ўтилган вазифалар доирасида тайёрланган мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди. Айни вақтда қонун лойиҳаси парламент қуйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида иккинчи ўқишга пишиқ-пухта киритиш учун кўриб чиқиляпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонун лойиҳаси қабул қилингач, электрон шартномаларни расмийлаштириш, энг муҳими, уни ижро этиш жараёнлари енгиллашади. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлиги, инвестицион фаоллигининг ошиши, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ҳамда кўрсатаётган хизматларининг жаҳон бозорида янада рақобатбардош бўлишига хизмат қилади. Истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтариш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида электрон тижорат имкониятларидан самарали фойдаланишга мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади. Зеро, мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимига янада интеграциялашуви, қулай ишбилармонлик муҳити шакллантирилиши нафақат ташқи, балки ички бозорда илғор технологияларни қай даражада самарали қўллашга боғлиқ.

Халқаро тажрибани ўрганган ҳолда тайёрланган қонун лойиҳаси тижорат тараққиётига хизмат қилиш билан бир қаторда ахборот соҳасини ривожлантиришни ҳам назарда тутади. Хусусан, унда телекоммуникация тизими операторлари, банк, электрон танлов, аукцион ва ярмаркалар ташкил этиш билан шуғулланувчи юридик шахслар, электрон хабар ва электрон ҳужжатлар сақлаш борасида фаолият кўрсатувчиларнинг истиқболдаги бизнесига оид нормалар ўз аксини топган.

Кези келганда, қонун лойиҳасида ифодаланаётган меъёрлар O`zLiDePнинг бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақобатдошлигини ошириш борасидаги дастурий мақсадларига ҳамоҳанг эканлигини таъкидлаш жоиз.

Дарвоқе, янги таҳрирдаги қонунни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида кенг жамоатчилик, таниқли олимлар, малакали мутахассис ва экспертлар иштирокидаги муҳокамалар асосида унга бир қатор янги моддалар киритилмоқда. Жумладан, электрон тижорат тамойиллари тўғрисидаги моддада тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги, битимлар тузилишининг ихтиёрийлиги, электрон тижорат шароитларининг тенглиги, ушбу жараён иштирокчилари ҳуқуқлари муҳофазаланишининг очиқ белгилаб қўйилиши партиямиз электорати манфаатларига тўла мосдир.

Мухтасар айтганда, янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси орқали электрон битимларни расмийлаштириш янада соддалаштирилмоқда. Қолаверса, бу ҳужжат электрон тижорат субъектларининг бир-биридан географик узоқлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиб, тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳити янада яхшиланиши, халқаро стандартларга жавоб берадиган технологик бозор инфратузилмасини яратишга қўшимча имконият яратади.

## Тадбир баҳона дийдор ғанимат

**Ширин шаҳридаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактабида «Меҳрла богланар кўнгиллар» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари, қатор ташкилотлар вакиллари қатнашган тадбир давомида истеъдодли ёшлар томонидан ижро этилган қўшиқ ва рақслар кўпчиликка манзур бўлди.**

**Шаҳар маданият ва аҳоли дам олиш маскани қошидаги «Ниҳол» ҳаваскорлик тўгараги иштирокчилари томонидан эса саҳна кўриниши намойиш этилди.**

**— Болаларнинг чиқишларидан завқландик, — дейди онахонлардан бири Маҳбуба Хўжаева. — Бундай учрашувлар тез-тез ўтказиб турилса, айни муддао бўларди. Энг асосийси, ана шундай тадбирлар баҳонасида анчадан бери кўришмаётган дугоналар билан дийдорлашишга мушарраф бўлаяпмиз.**

Дилора ЭСОНОВА.

# «Кўзлаган мақсад-муддаоларимизга албатта етамиз!»

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Абдумурат БАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони (Қамаши тумани):**

— Наврўз — ноёб байрам. У ҳар бир инсон кўнглида обод, тинч ва фаровон кунларга шукроналик туйғуларини жунбушга келтиради. Тантанада бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Шу маънода мен Юртбошимизнинг табригини эл корига камарбаста бўлиш бахтининг нашидаси сифатида қабул қилдим.

Дўппини олиб ҳисобласам, меҳнат фаолиятимга 47 йил тўлибди. Шунинг дастлабки тенг ярми буйруқбозлик ва сансалорлик билан кечди. Очиғини айтишим керак, қилган ишимга рағбат тугул, раҳмат ҳам эшитмаганман. Кейинги 23 йилда эса астойдил интилишнинг ҳақиқий эътирофини амалда кўрдим. «Меҳнат шуҳрати» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвонига сазовор бўлдим.

Бугун мен раҳбарлик қилаётган «Бозор ўғли Абди» фермер хўжалиги меҳнаткашлари баҳорги агротехник тадбирларни аллақачон бошлаб юборишди. Кузда ерга сепилган буғдойни бегона ўтлар ва ёввойи сулидан ҳимоялаш мақсадида гербицидлар, ғаллани баргидан озиқлантириш учун суспензия сепиш ниҳоясига етказилди. Эндиги вазифамиз фақат хом ашё етиштириш билан чекланмасдан, уни қайта ишлаш, қишлоққа саноатни олиб кириш жараёнини янада тезлаштиришдан иборат. Қисқа муддатда кам куч сарфлаб, кўп ҳосил олишни таъминловчи янги инновацион технология – томчилатиб суғориш тизимини аграр соҳага фаол татбиқ этиш зарурлигини замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Хуллас, Наврўз айёмида Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, кўзлаган мақсад-муддаоларимизга албатта етамиз!

---

**Зилола ҚЎЧҚОРОВА,**
**Пайариқ туманидаги «Анвар Қўчқоров замини» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишида аёлларни зўр ҳурмат-эътибор билан тилга оладилар, уларни қадрлаш, меҳнатини енгиллаштиришга ундайдилар. Бу галги табрик ҳам истисно бўлмади. Азалдан момоларимизнинг тунни тун демасдан сумалак ва ҳалим, кўксомса ва гўжа каби тансиқ неъматларни тайёрлагани эҳтиром ила эътироф этилди.

Мен ҳам шундай эътибордан мамнун фермер аёлман. 83 гектар ерда ҳосил етиштириб, пахта ва ғалла режасини ошиғи билан бажараётганимдан фахрланаман. Бизга билдирилаётган юксак ишонч кучимга-куч қўшади, руҳимга тетиклик бағишлайди, янада қаттиқроқ ишлашга чорлайди.

Дала юмушлари баробарида икки нафар фарзандни вояга етказаяпман. Уларни мустақил фикр ва замонавий билимга эга, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни зиммасига олишга қодир инсонлар қилиб тарбиялаш, қалбига эзгулик уруғини қадашга астойдил ҳаракат қилаяпман. Наврўзнинг қадимий фалсафаси ҳам ана шундай ҳолатларда ёрқин намоён бўлади.

---

**Шомансур ПЎЛАТОВ,**
**меҳнат фахрийси (Тошкент шаҳри):**

— Байрам тантаналарида Юртбошимиз бизга тинчлик ва омонлик керак, дея алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Зеро, дунёда тинчликдан улуғ, хотиржамликдан азиз неъмат йўқ. Шундай доруламон кунларга етказгани, озод ва обод Ватанда яшаш насиб этганига беҳад шукр.

Ёшлигим қаҳатчилик йилларига тўғри келди. Инсоннинг ўзи ҳам, меҳнати ҳам қадрланмаган ўша даврларда бир бурда нон топиш жуда оғир эди. Бугун эса жаннатмонанд юртимизда осойишталик барқарор. Хотиржам ухлаймиз, тонгни бехавотир қарши оламиз, фарзандларимиз келажагидан кўнглимиз тўқ, эртанги кунга ишончимиз мустаҳкам. Ўқиш ва меҳнат қилиш учун барча имкониятлар яратилган. Ёшларнинг касб-ҳунар эгаллаши ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун қанчалик катта эътибор берилаётган бўлса, кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган эъзозни сўз билан ифодалаш қийин. Ана шу омил туфайли умримизга умр қўшилмоқда.

Биз – фахрийларни ижтимоий муҳофаза қилиш, саломатлигимизни тиклаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун жуда кўп чора-тадбирлар белгиланмоқда. Шу пайтгача баҳраманд бўлиб келаётган имтиёзларимизга қўшимча имтиёзлар қўшилмоқда. Буларнинг барчаси учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

---

**Баҳодирхон АҲМЕДОВ,**
**Қуйи Чирчиқ туманидаги «Акбархон-Баҳодирхон» фермер хўжалиги раиси:**

— Давлатимиз раҳбарининг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқини тинглар эканман, қалбимда эзгу туйғулар жўш урди. Дарҳақиқат, бугун тинч ва осойишта юртимизда барча соҳаларда эришилаётган ютуқларни кўриб, кўнгил яйрайди. Айниқса, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига берилаётган эътибор турмушимиз фаровонлигида муҳим омил бўлаётир.

Бир қаранг: нозу неъматлар билан тўла бозорларимизда йўқ нарсанинг ўзи йўқ, дастурхонларимиз тўкин.

«Акбархон-Баҳодирхон» кўп тармоқли фермер хўжалиги 201 гектар ернинг 110 гектарида пахта, 91 гектарида эса ғалла етиштиради. Ўтган йили давлатга 485 тонна пахта, 680 тонна ғалла топшириб, режани аъло даражада уддаладик. Хўжалигимиз қошида очилган авто-эҳтиёт қисмлар сотиш дўкони, қаҳвахона, сартарошхона каби маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қишлоқ аҳолисига қулайлик яратди.

Чорвачиликни ҳам йўлга қўйганмиз. 14 бош қорамолимиз бор. Германиядан яна 50 бош зотдор сигир олиб келиб, аҳолини гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз. Сутни қайта ишлаш цехи ишга тушгач, яна 12 нафар киши иш билан таъминланади.

Бугун қайси маҳалла кўчасига қадам ранжида қилманг, яшил рангга бурканишга чоғланаётган дов-дарахтларни кўриб, дилингиз қувнайди. Улар эртанги фаровонлик, файзли-баракали ҳаётдан дарак бераётир. Жойларда эса байрам тантаналари давом этмоқда. Осойишта ва тинч юртга байрамлар ярашади.

# Порлоқ келажак сари қўйилаётган қадамлар

**Мамлакатимизда 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ўзим овоз берадиган номзод ҳақида аниқ қарорга келдим**



**Пардахол АЛИМНАЗАРОВА, Термиз шаҳридаги «Покиза» МЧЖ раҳбари**

Менинг овозим тадбиркорлик соҳасидаги келгуси фаолиятимизни янада юксалтириб, дастурхонларимиз тўкинлиги, юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги таъминланишида муҳим омил бўлишига ишончим комил.

Бу сўзларимнинг исботи сифатида айтишим мумкинки, тўрт йил аввал оила аъзоларимиз билан маслаҳатлашиб, тадбиркорликка қўл ургандик. Бунинг учун Термиз шаҳридаги Тўпроққўрғон маҳалласида «Покиза» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этдик. Дастлаб беш кишини ишга жалб этиб, хорижнинг ихчам ускуналари ёрдамида қолипли нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ишни бошлаш учун тижорат банкининг имтиёзли кредит маблағидан унумли фойдаландик. Маҳсулотимиз сифатига алоҳида эътибор бердик. У арзон ва сифатлилиги боис истеъмолчиларга жуда манзур бўлди. Мижозларимиз сафи йил сайин кенгайди. Меҳнатимизга яраша даромад ҳам топа бошладик. Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш орқали ўндан ортиқ ёш иш билан таъминланди. Уларнинг беш нафари коллеж битирувчисидир.

Айни пайтда хусусий корхонамизда кунига икки тоннадан ортиқ нон ва унга яқин турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Эндиликда маҳсулотларимизга нафақат савдо дўконлари, балки ташкилот, корхона ва муассасалар ҳам буюртма бераяпти. Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи, болалар боғчалари, йирик қурилиш ташкилотлари буюртмасини ўз вақтида бажариб, уларни энг азиз неъмат — нон ва нон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаётганимиздан қувончимиз чексиз.

Ўтган йилларда олган даромадимизнинг бир қисми ва тижорат банкининг имтиёзли кредит маблағи кўмагида икки қаватли замонавий савдо мажмуаси барпо этдик. Бу ерда ҳам «Покиза» ёрлиғи билан ишлаб чиқарилаётган нон ва қандолат маҳсулотларимизнинг савдоси чаққон. Бу ишларнинг барчаси юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, қулай ишбилармонлик муҳити яратиш борасида кўрсатилаётган чексиз эътиборнинг амалдаги намунаси эмасми?!

Жорий йилда ҳам фаолиятимизни янада кенгайтиришни мўлжаллаяпмиз. Хорижнинг 120 минг доллар қийматидаги ихчам ускуналарини ўрнатиб, бир кунда икки тонна оқ қанд ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Шунингдек, қолипли нон цехимизни модернизация қиламиз. Албатта, бу режаларни рўёбга чиқаришда биз яна тижорат банкининг имтиёзли кредит маблағидан фойдаланамиз.

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнга саноқли кунлар қолаётган айни дамларда ёшларимизга ушбу сайловнинг порлоқ келажагимизни белгилашдаги ўрни ва аҳамияти хусусида атрофлича тушунча бераяпман. Номзодларнинг сайловолди дастурлари билан яқиндан танишиб чиқишни тавсия этаяпман. Ўзим эса Ўзбекистон Республикаси Президентлигига O`zLiDeРдан кўрсатилган номзод — Ислом Каримовни ёқлаб овоз бераман.

# Ғурур тўла қалб нидоси

**Мана, чорак асрдирки, келажаги буюк Ўзбекистон ўзининг узоқни кўра оладиган раҳбари бошчилигида тараққиёт ва юксалиш пиллапояларидан олға интилмоқда. Оддий бир меҳнат фахрийси, кекса педагог сифатида мен бўлажак сайловда шу номзод учун овоз бераман**



**Карим ҲАМРОЕВ, Халқ таълими аълочиси (Бухоро шаҳри)**

Чунки Ислом Каримовнинг фаолияти Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилишнинг олий намунасидир. Юртбошимизнинг оқилона сиёсати туфайли истиқлол йилларида табаррук қадамжолар сўлим ва обод масканларга айлантирилди. Шу тариқа аждодларимизнинг пок руҳи шод бўлди. Миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимиз ва боқий анъаналаримизнинг қайта бўй чўзганлиги, шаҳар ва қишлоқларимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб, одамлар турмуш маданияти юксалгани ҳам шу инсоннинг саъй-ҳаракати натижасидир.

**БУГУН БАРЧА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ ҚАТОРИ МЕНИНГ ҲАМ БОШИМ САРБАЛАНД, КЎКСИМ ҒУРУРГА ТЎЛА. САБАБИ ЎЗБЕКИСТОНДЕК ГЎЗАЛ БИР ЮРТДА ТИНЧ-ХОТИРЖАМ ЯШАЁТГАНИМИЗ, ҲАР ДОИМ БЎЛГАНИДЕК, КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИДА ҲАМ БИЗГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ҲАР ТОМОНЛАМА ҒАМХЎРЛИК ВА ЧЕКСИЗ ЭЪТИБОРНИ ҲАР ҚАДАМДА ҲИС ЭТИБ ТУРГАНИМИЗДАДИР.**

«Ўзбек модели» сифатида бутун дунёда тан олинган, бешта тамойилга асосланган иқтисодий ислоҳотлар самараси бугунги кунда мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ўзини кўз-кўз этиб турибди.

Ислом Каримов — йирик сиёсатшунос, таниқли давлат арбобидир. Иқтисод, фан, таълим, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун кўплаб хорижий давлатлардаги нуфузли университет ва академияларнинг фахрий аъзоси, доктори ва академиги илмий унвонларига сазовор бўлган.

Мен роппа-роса 50 йил давомида халқ таълими соҳасида фаолият олиб бордим. Юзлаб шогирд етиштирдим. Бир қатор адабий-бадиий, маънавий-маърифий йўналишдаги рисолаларимни чоп эттирдим. Айни пайтда эл-юрт ишига камарбаста фарзандлариму бир-биридан ширин невара-эваралариим ардоғидаман. Бундан ортиқ бойлик, бахт-саодат борми ўзи инсон учун?!

Бугун барча меҳнат фахрийлари қатори менинг ҳам бошим сарбаланд, кўксим ғурурга тўла. Сабаби Ўзбекистондек гўзал бир юртда тинч-хотиржам яшаётганимиз, ҳар доим бўлганидек, Кексаларни эъзозлаш йилида ҳам бизга кўрсатилаётган ҳар томонлама ғамхўрлик ва чексиз эътиборни ҳар қадамда ҳис этиб турганимиздадир.

Шундай экан, жорий йилнинг 29 март куни ўтказиладиган Президент сайловида O`zLiDeР номзоди — халқимиз ишончи ва меҳрини қозонган Ислом Каримов учун сидқидилдан овоз бераман. Юртдошларимни ҳам ана шу номзодни ёқлаб овоз беришга чорлаб қоламан.

# Осойишта ҳаёт ва барқарор тараққиёт

**Туманимиздаги фермер хўжаликларининг аксарияти мева-сабзавот ва узумчиликка ихтисослашган бўлиб, илгари уларда қайта ишлаш ва сақлаш йўлга қўйилмагани боис маҳсулотларнинг кўп қисми нобуд бўларди. Юртбошимизнинг фармон ва қарорлари асосида замонавий технологиялар келтирилиб, аҳоли манфаатдорлиги ошди, кўплаб янги иш ўринлари яратилди**



**Алишер БОЙҚАРАЕВ, Китоб туманидаги «Севаз-Андроникс» жамияти раиси, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутати**

Бундан ўн йил муқаддам мен ҳам тадбиркорликка қўл уриб, хориждан бир кеча-кундузда 15 тонна олмани қайта ишлайдиган технология олиб келиб ўрнатдим. Дастлаб қишлоғимиздаги 50 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Йиллар мобайнида олинган фойда эвазига ишлаб чиқаришни замонавийлаштириб, кенгайтириб бораяпмиз. Бугунги кунда жамиятимизда 400 киши ишлайди. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир. Авваллари яқин атрофимиздаги Севаз, Сариосиё, Хўжаисфароз, Нурали, Нимги, Қорамурча, Қорамерган, Хайробод каби қишлоқлар аҳолиси хонадонларида етиштирилган олмани Самарқанд бозорларига олиб бориб сотарди. Бунинг учун қанча маблағ ва вақт сарф этиларди. Эндиликда улар маҳсулотларини ҳеч бир қийинчиликсиз жамиятимиз цехларига топширишаяпти.

**БУГУН ЮРТДОШЛАРИМИЗ МАМЛАКАТИМИЗДА ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА БАРЧА СОҲАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР, УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ, ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЮКСАК САЛОҲИЯТИ, ХАЛҚПАРВАРЛИГИ, ОДИЛОНА СИЁСАТИ, ЭЛ-ЮРТ ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДАГИ УЛКАН ХИЗМАТЛАРИ САМАРАСИ ЭКАНИНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР.**

Ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор мамлакатларда бўлиб, тажриба ўргандик. Шу тариқа корхонамизда помидор, олча, ўрик ва бошқа мева шарбатлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Хорижий технология асосида мойли ўсимликлардан бир кеча-кундузда 1,5 тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган цех фаолият кўрсатмоқда. Маринадланган карам, бодринг, помидор маҳсулотлари, томат пастаси ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйганмиз.

Яқинда банкдан 200 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиб, Германия ва Хитой технологияси асосида тайёрланган микрокальцит ишлаб чиқариш линиясини ишга тушириш юзасидан шартнома имзоладик. Бу ноёб маҳсулот лак-бўёқ, металл, косметика, пластмасса тайёрлашда кенг фойдаланилади. Цех бир кеча-кундузда 40 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ўз навбатида, халқ депутатлари вилоят кенгаши Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси сифатида касб-ҳунар коллежлари ва қишлоқларда бўлиб, партиямизнинг дастурий мақсадларини тарғиб қилмоқдаман. Туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида дастур ишлаб чиқилгач, ўттиздан ортиқ лойиҳани рўёбга чиқариш юзасидан амалий ҳаракат бошлаб юборилди. Депутатлик гуруҳи томонидан таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш, касаначиликни ривожлантириш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлашга амалий ёрдам кўрсатилаяпти.

Бугун юртдошларимиз мамлакатимизда истиқлол йилларида барча соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, эришилган ютуқлар Ислом Каримовнинг юксак салоҳияти, халқпарварлиги, одилона сиёсати, эл-юрт ободлиги йўлидаги улкан хизматлари самараси эканини мамнуният билан таъкидламоқдалар. Туманимизда қисқа даврда тадбиркор ва ишбилармонлар томонидан юзлаб замонавий лойиҳалар амалга оширилганлиги бунинг яққол исботидир.

29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Президенти сайловида мен осойишта ва бунёдкор ҳаёт, барқарор тараққиёт учун овоз бераман. Бу — менинг танловим.

# Аёлига бахт бера олган юрт

**Бу ёруғ оламда ҳар кимга ўз ота юрти, она Ватани, ўз дарёлари, саҳро ва тоғлари, воҳа ва водийлари азиз. Кимдир шаҳри, қишлоғи, фаввораю ўз шаршаралари билан фахрланади. Аммо ҳар қандай бетакрор экзотика ҳам инсон қалбига тинч, осойишта заминда, халқи тўқ ва фаровон жойдагина чинакам завқу шавқ беради. Қолаверса, ҳар бир элнинг юксаклиги ўз фуқаролари, биринчи навбатда, аёлларига беролган бахту саодати билан ўлчанади. Аёли ҳақиқий бахт нашидасини сураётган, фарзандлари камолини кўраётган, касбу коридан барака, эъзоз топаётган мамлакат қудратлидир. Оқсоч тарих учун киприк қоққулик муддат — 23 йил давомида Ўзбекистон Ислом Каримовнинг оқилона раҳбарлигида ана шу поғонага кўтарилди. Бошқача айтганда, мустақил мамлакатимиз наинки иқтисодиёт, аграр шўъба, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, сервис соҳаси, балки ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаёт даражасига эришди. Бугунги бахтли куннинг қадрига етиш учун беихтиёр яқин ўтмишимизга назар солишимиз, қиёсий хулосалар чиқаришимиз табиий. Биз, аёлларнинг мустамлака Ўзбекистон билан мустақил Ўзбекистон шароитидаги тақдиримиз осмон билан ерча фарқланади. Биламан, айрим муштарийлар: «У замонда ҳам сизга ўхшаган ишлаб чиқариш «юлдуз»лари, мажлислар ҳайъатида ўтирадиган «илғор»лари бор эди-ку?» дейиши мумкин. Тўғри, у «юлдузлар» орасида ҳақиқатан ҳам кечани кеча, кундузни кундуз демай пахта териш машинасида тер тўккан, ёинки сут-товар фермасида эрта тонгдан шом қоронғусигача машаққатли меҳнат билан банд бўлганлари бесаноқ эди. Улардан бири онамиз, бири опамиз, яна бири ён қўшнимиз эди. Фақат уларда мулк йўқ эди, ишлаб чиқариш воситаси йўқ эди. Том маънодаги ҳуқуқ йўқ эди. Ҳамма нарса ҳамманики-ю, аслида эса ҳеч кимники эди.**
**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашганида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, аҳоли даромадлари ва ҳаёт сифатини муттасил ошириб боришга доир устувор йўналишлар, фаровон ҳаётимизнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига замонавий агротехнологияларни жорий этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда маҳаллийлаштириш дастурларини изчил давом эттириш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Бу пурмаъно маърузани тинглаётганимда, кўз олдимдан айнан давлатимиз раҳбарининг даъвати билан ўқитувчиликдан кичик бизнесга қўл урганим, дастлабки қадамларим, оилавий корхона тузганим, 2004 йили бир нафар шогирд билан ҳунармандчилик мактаби очиб, ўтган 10 йил мобайнида 102 нафар шогирд тайёрлаганим, анъанавий «Ташаббус-2011» танловининг вилоят босқичи ғолиби, республика босқичи совриндори бўлганим кино лентасидек бирма-бир ўтди. Шундай ажойиб мамлакатда яшаётганимга шукрона айтдим. Бизнинг воҳада «Минг қўшчига – бир бошчи!» деган минг йиллик ибора бор. Биз муҳтарам Президентимиз етакчилигида ана шундай юксак марралар, мисли кўрилмаган тараққиёт довонларига эришдик. Фарзандларимиз илм, спорт, санъатда жаҳон шоҳсупаларини забт этмоқда. Касб-ҳунар коллежи битирувчиси ўз бизнесини очмоқда. Кексаларни эъзозлаш, оналар ва болаларнинг бахту камоли давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Шундай экан, бу ўсиш, ўзгариш, юксалиш, янгиланишларнинг бош ташаббускори — O`zLiDeРдан мамлакат Президентлигига номзод Ислом Каримов учун овоз бераман!**

Фароғат САЪДУЛЛАЕВА, «Урганч миллий тикувчилик» оилавий корхонаси раҳбари.

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

# Электорат манфаати ифодаланган қизғин жараён

**Дастурий мақсад ва ғояларини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоялашда O`zLiDeP, энг аввало, депутатлик корпусига таянади. Эътироф этиш зарурки, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш бўйича қабул қилинган қарорлар барча ҳудудларда бўлганидек, Жиззах вилоятида ҳам сиёсий кучнинг мазкур бўғини ишига ижобий таъсир кўрсатди. Ҳудуддаги депутатлик гуруҳлари томонидан 2014 йил мобайнида амалга оширилган ишлар бунга мисол бўла олади**

**Акрам ШАҲАРОВ,**
O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири

Ўтган йилнинг 21 декабрида очиқлик ва ошкоралик шароитида ўтказилган сайловда халқ депутатлари вилоят кенгашидаги 57 та депутатлик ўрнидан 25 таси ёки 44 фоизини, туман ва шаҳар кенгашларидаги мавжуд 332 та депутатлик ўрнидан 111 таси (33 фоиз) ни O`zLiDePдан кўрсатилган номзодлар қўлга киритди. Ушбу кўрсаткичлар партиямизнинг ҳудуддаги фаолияти сайловчилар томонидан муносиб баҳоланганидан дарак бериши баробарида депутатлик гуруҳлари аъзолари зиммасига катта масъулият ҳам юклайди.

Вилоятда депутатлик ваколатининг энг муҳим институти бўлган назорат-таҳлил фаолияти, амалдаги қонунлар, Давлат дастурлари, ҳукуматимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, бу борадаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга оид қарорлари ижроси юзасидан ижро ҳокимияти идоралари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш, ташкилотларга депутатлик сўровлари билан мурожаат қилиш ва таклифлар киритишда муайян натижаларга эришилди. Чунончи, депутатлик гуруҳлари белгиланган режага мувофиқ, 35 та маҳаллий давлат бошқарув органи, мутасадди ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитувини ташкил этди.

Хусусан, бандликни таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш дастури бўйича вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б.Яхшибоевнинг ахбороти тингланди. У партиямиз вакилларига кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига яратилган иш ўринлари ҳақида атрофлича маълумот берди. Шунингдек, 2014 йилда гўшт, сут ва мева-сабзавотни қайта ишлашга ихтисослашган янги корхоналарни қуриш ҳамда мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича манзилли дастур ижросини тўлақонли таъминлаш борасида маҳаллий ҳокимликлар томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Мамировнинг ахбороти эшитилди.

Бундан ташқари, партия вакиллари саъй-ҳаракатлари билан хусусий сектор манфаатларига тааллуқли долзарб масалалар вилоят ва маҳаллий кенгашлар сессияларида, доимий комиссияларида атрофлича муҳокама қилинди. Ана шундай тадбирларда кўрилаётган масалалар юзасидан депутатлар кўплаб асосли таклиф ва тавсиялар киритганликларини қайд этиш жоиз.

Масалан, халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида ҳудудда 2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида маҳаллий ҳокимликлар томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Холматовнинг ҳисоботи тингланди.

Қайд этиш керакки, кўрилган масалалар юзасидан депутатлик гуруҳларининг аниқ позициясини ифода этувчи, энг аввало, электорат манфаатларини кўзлаган ҳолда жойларда олиб борилаётган кенг миқёсдаги ўзгаришларнинг ижтимоий аҳамиятини оширишга хизмат қилувчи конструктив ёндашувлар баён этилгани кузатилди.

Бундан ташқари, якунланган йил давомида тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарларига 179 та депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг аксариятига асослантирилган маълумотлар, мутасаддиларнинг нуқтаи назарини аниқ баён этувчи ахборотлар олинди.

Ҳисобот даврида депутатларга фуқаролардан 217 та мурожаат келиб тушган бўлиб, улардан 180 таси ижобий ҳал этилди. Бу эса партия вакилларининг сайловчилар олдидаги масъулиятни теран ҳис қилаётганидан, зиммаларидаги вазифаларга жиддий ёндашаётганидан далолат.

Шу ўринда ҳамкасбларига намуна кўрсатаётган депутатларимиздан бири Фарҳод Одиловнинг фаолияти ҳақида мухтасар сўз айтишни жоиз деб топдик. У ўтган йилги сайловда иккинчи маротаба халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши депутати этиб сайланди.

Депутат сайловдан сайловгача бўлган даврда турли ташкилотларга 250 дан зиёд сўров йўллаб, талай долзарб масалаларнинг ечими топилишига ҳисса қўшди. Айни пайтда сайловчилардан тушган 215 та ёзма ва оғзаки мурожаатнинг 190 таси ижобий ҳал қилинишига кўмаклашди.

Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишларида, мансабдор шахслар ҳисоботлари эшитувларида ҳам Ф.Одиловнинг ташаббускорлиги, тиришқоқлиги намоён бўлди. Унинг таклифлари инобатга олинган ҳолда вилоят кенгаши сессиясига икки марта муҳим масала киритилгани фикримиз далилидир.



## Ҳиммат ва саховат

**Маслакдошларимиз ҳиммат ва саховат бобида ҳам кўпчиликка ибрат кўрсатиб, ёшу кексанинг дуосига мушарраф бўлаяптилар. Масалан, пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Мангу бўл обод» МЧЖ раҳбари, БПТ етакчиси Баҳодир Султонов «Меҳржон», «2-Қатортол», «Яккатут» ҳамда «Мевазор» маҳаллаларида яшовчи ҳамюртларимизга дастурхон ёзиб, айёмнинг шукуҳли ўтишига бош-қош бўлди. «Ягона» савдо-хизмат кўрсатиш мажмуасининг муҳташам залида қўшиқлар қўшиқларга, рақслар рақсларга уланди. Шеърлар янгради, эзгу тилаклар билдирилди. Тадбирда жамоат ишларида фаол қатнашган МФЙ раисларига O`zLiDeP туман ташкилоти томонидан ташаккурномалар топширилди.**

Солиҳ ЗОИР олган суратлар.



## Қувонч майдончаси

**Парламент ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига болалар майдончасини бунёд этиш бўйича ўз лойиҳасини тақдим этган Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Сайхунобод туман бўлими 14 млн. сўмлик грант олганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ.**
**Туман ҳокимлиги томонидан ушбу лойиҳа учун Сайхун қўрғонидаги маданият ва истироҳат боғидан жой ажратиб берилганидан сўнг бу ерга 18 номдаги аттракцион ўрнатилди. Эндиликда сайхунободлик болажонлар «Чиғаноқ», «Камалак», «Тарозу», «Тепалик», «Қайиқча» каби кўркам қурилмаларда завқланиш имкониятига эга бўлди.**
**Айни пайтда майдончада кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари қизғин олиб борилаётганини айтиб ўтиш лозим.**

Дилора ЭСОНОВА.

## Дилларда ва тилларда Наврўз!

**Барча юртдошларимиз сингари навоийликлар ҳам бу йилги Наврўзга катта тадорик кўришди. Шаҳару қишлоқларимизда ўтказилган байрамолди ҳашарларида кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилиб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Анвойи гуллар экилди.**
**Озод ва обод юртга байрамлар ярашади. Ўлкамизга ташриф буюрган баҳор, гулга тўлган сўлим боғлар боис кўнгилларга инган хуш кайфият, жойларда бошланиб кетган Наврўз тантаналари билан ошуфталикда дилларда кўтаринкилик уйғотди.**
**Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Тиббиёт-санитария бирлашмаси жамоаси ҳам Наврўзи оламни тантанали нишонладилар. Бирлашманинг кўп тармоқли жарроҳлик бўлимидаги O'zLiDeP бошлангич ташкилоти раиси Исроил Ахтамовнинг таъкидлашича, бу ердаги 1229 нафар шифокор ва ишчи-хизматчининг ярмидан кўпини сафдошларимиз ташкил этади. Маслакдошларимиз ҳам айём зўр шодиёна сифатида ўтиши, меҳмонларга байрамона кайфият бахш этиши учун ҳаракат қилишди. Мавжуд 15 та клиник бўлим ўртасида уюштирилган миллий кийимлар, Наврўз таомлари, урф-одат ва анъаналар, халқ қўшиқлари ва ўйинлари ижрочилиги бўйича кўргазмали чиқиш сингари йўналишлардаги беллашувлар тадбирга ўзгача файз бағишлади.**
**— Асосий вазифаси комбинатнинг турли вилоятларда фаолият кўрсатувчи бўлимларидаги кончиларига малакали тиббий хизмат кўрсатиш бўлган қарийб 3,5 минг нафар врач, ўрта ва кичик тиббиёт ҳамда техник ходимимиз умумхалқ байрамига катта тайёргарлик кўрди, — дейди бирлашма бошлиги, халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Алишер Мирзаев. — Учқудуқ, Зарафшон, Нуробод, Зафаробод ва Навоий шаҳарларидаги бўлимларимиз ҳудудида кенг кўламдаги тозалик, ободонлаштириш юмушлари бажарилди.**
**Наврўз тантаналарига йиғилганлар Фарҳод маданият саройи бадиий жамоалари ҳамда тиббиёт ходимларининг ўзлари томонидан ижро этилган дилрабо куй-қўшиқларга жўровоз бўлишди. Мириқиб рақсга тушишди.**

Мансур АСЛОНОВ.

## Термиз музқаймоғи

**Наврўз умумхалқ байрамини муносиб туҳфалар билан кутиб олган Сурхондарё вилоятида ҳам янги ишлаб чиқариш корхоналари, сервис ва хизмат кўрсатиш нуқталарининг очилиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.**
**Термиз шаҳридаги «Саиджон-Муҳаммаджон музқаймоқлари» масъулияти чекланган жамияти болажонларнинг энг суюкли егулигини ишлаб чиқарадиган замонавий корхонани фойдаланишга топширди. 1 млн. 200 минг АҚШ доллари қийматидаги хорижий технологиялар ўрнатилган янги корхонада бир кунда ўн тоннагача музқаймоқ тайёрланиб, замонавий усулда қадоқланмоқда.**
**— Келгусида маҳсулот турини 50 тага етказиб, қўшимча иш ўринлари яратишни мўлжаллаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Ўрол Сатторов. Савдога чиқарилган дастлабки маҳсулотлар мижозлар томонидан катта қизиқиш билан харид қилинди.**
**— Сурхондарёга музқаймоқ Тошкент шаҳри ва қўшни вилоятлардан олиб келинар эди, — дейди Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Тўра Боболов. — Имтиёз ва преференциялардан унумли фойдаланган хусусий тадбиркорлар бу муаммога барҳам берди. Янги корхонанинг туман марказларида ҳам улгуржи савдо нуқталарини ташкил этиб, ёзнинг иссиқ кунларида мижозларни сифатли маҳсулот билан узлуксиз таъминлаш режалаштирилаётгани эътиборга молик. Хусусий корхонада ишчилар учун барча шароитлар яратилган. Олисдан қатнайдиганлар учун замонавий ётоқхона бор. Шаҳар ичида бепул транспорт қатнови йўлга қўйилган. Ишчилар бир маҳал иссиқ овқат билан таъминланмоқда. Айни пайтда корхонада юздан ортиқ ўғил-қиз меҳнат билан банд. Уларнинг кўпчилиги коллежларни тугатган ёшлардир.**
**МЧЖ келгусида 250 минг АҚШ доллари қийматидаги хорижий технология ўрнатиб, сут кукуни ва 15 турдаги қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўзда тутган. Бунинг натижасида яна юздан ортиқ янги иш ўрни яратилади.**

Муҳриддин НУРМАНОВ.

# Кўчмас мулк: ҳуқуқ ва мажбурият

### Ушбу масала бўйича солиқ қонунчилигига киритилган янгиликлардан хабарингиз борми?

**Носир ТОШЕВ,**
«XXI asr»

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жамият ҳаётини тубдан янгилаш, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга йўналтирилганлиги билан эътиборга моликдир. Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги таркибий ўзгаришлар эса солиқ сиёсатини босқичма-босқич такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Зеро, солиқ тушумлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, хизматлар бозорини кенгайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Ана шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунига асосан Солиқ кодексининг бир қатор моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хўш, кўчмас мулк объекти билан боғлиқ ушбу янгиликларнинг моҳияти нимадан иборат? Улар мулк эгалари ва мутасадди ташкилотлар зиммасига қандай мажбуриятларни юклайди?

Газетхонларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олиб, юқоридаги каби саволлар атрофида кенгроқ тўхталишни лозим топдик. Республикамиз Бош қомусининг 51-моддасида «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар», дея қайд этилган. Бу ўринда изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Зеро, қонун ҳамма учун бир. Белгиланган ҳуқуқий-меъёрий талабларга мувофиқ, мавжуд иморатлар, бино ва қурилмалар (уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовлилар, гаражлар ва ҳоказолар), шунингдек, ер участкаларининг эгалари бўлган жисмоний шахслар солиқ тўловчилар, мазкур иншоотларнинг инвентаризация қиймати ҳамда ер майдони солиқ объекти ҳисобланади. Солиқ кодексининг янги таҳрирдаги 84-моддасида қайд этилганидек: «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ҳар йили 1 февралгача ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тегишли ҳудудда жойлашган ер участкаси ва бошқа кўчмас мулк, унинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисида 1 январь ҳолатига маълумот беришлари, шунингдек, ер участкаси ва бошқа кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар йил давомида юзага келганда — мазкур кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида маълум қилишлари шарт».

**— БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЛАБ ВА МЕЪЁРЛАРИ БОР, — ДЕЙДИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ БЎЛИМ БОШЛИҒИ АНВАРЖОН ШАРИПОВ. — ИСТАЙМИЗМИ-ЙЎҚМИ, УЛАР БИЛАН ҲИСОБЛАШИШГА МАЖБУРМИЗ.**

Таъкидлаш жоизки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-3-моддасида солиқ объекти ва субъекти билан боғлиқ масалаларга янада тўлароқ ойдинлик киритилган. Яъни, тегишли органлар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан солиқ мажбуриятларига оид ахборотни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим қилмаслик ёки бузиб кўрсатилган ҳолда тақдим этиш — энг кам ойлик иш ҳақининг етти бароборидан ўн бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади. Худди шундай ҳолат маъмурий жазо чораси қўлланилганидан сўнг бир йил давомида такрор содир этилса, ҳуқуқбузарлар энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жаримага тортилиши кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги қарорига асосан жисмоний шахсларнинг мол-мулк объектларини баҳолаш бўйича Кадастр хизмати муассасалари томонидан аниқланган инвентаризация қиймати бўлмаса, солиқ ундириш учун вилоят марказларида мол-мулкнинг 20 328 000 сўм, туманларда эса 8 833 00 сўм миқдордаги шартли қиймати қабул қилинади. Тўғри, кўчмас мулк ҳуқуқи — дахлсиз. Лекин бу ҳар бир шахс ўз хоҳишига иш тутиши мумкин, дегани эмас. Кадастр идораларида қонуний тартибда рўйхатга олинмаган янги турар-жойлар бўйича ҳисобланадиган солиқ тегишли мол-мулк шартли қийматининг икки баравари (40 656 000 сўмнинг 1,3 фоизи, қишлоқ жойларида 17 666 000 сўмнинг 1,3 фоизи) миқдоридан келиб чиқиб ундирилади.

— Бозор иқтисодиётининг ўзига хос талаб ва меъёрлари бор, — дейди Наманган вилояти давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Анваржон Шарипов. — Истаймизми-йўқми, улар билан ҳисоблашишга мажбурмиз. Баъзи фуқаролар уй-жойга доир мулк ҳуқуқини ушбу масала билан шуғулланадиган муассасаларда белгиланган муддатда расмийлаштиришни пайсалга солиб, ўзларига жабр қиладилар. Чунки бу ҳол энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлиши мумкин. Солиқ кодексининг 121-моддасида қайд этилганидек, ер участкаларидан асоссиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўзда тутилганидан кўпроқ ҳажмда фойдаланиш ер солиғининг суммасига эквивалент миқдорда молиявий жарима чораси қўлланилишига олиб келади.

Ўрни келганда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Кундалик ҳаётимизда якка тартибдаги уй-жойларни қуришда амалдаги ҳуқуқий меъёрларга риоя этмаслик ёки уй-жойга доир мулк ҳуқуқини ўз вақтида давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатлари тез-тез учраб туради. Бу эса маиший тўловлар, даромад манбалари ва бошқа масалалар юзасидан турли номутаносибликларни келтириб чиқараётганлиги сир эмас. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 160-моддасида уй-жойлар, хўжалик ва рўзғор биноларини қуриш қоидаларининг бузилиши — энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача (592000 сўмдан 1184000 сўмгача), шунингдек, уй-жойга доир мулк ҳуқуқининг кўчмас мулкларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан шуғулланадиган органларда ўз вақтида расмийлаштирилмаслиги — энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача ( 118 400 сўмдан 592 000 сўмгача) миқдорда жаримага тортилиши белгиланган.

Кўчмас мулк — кетмас давлат. Юқорида баён қилинганлардан англашиладики, жамиятимизда мулк ҳуқуқи билан бирга мулкдорларнинг фуқаролик мажбурияти ҳам бор. Уларга қатъий риоя этиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз саналади. Белгиланган тартибга кўра, мол-мулк ва ер участкалари бўйича солиқ ҳисобланганлиги тўғрисидаги тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга ўз муддатида етказилиши, улар тасарруфидаги турар ва нотурар-жой объектларига ҳисобланган молк-мулк, солиқ суммалари йилнинг 15 октябрига қадар тўланиши лозим. Эслатиб ўтайлик: амалдаги қонунчиликка мувофиқ, кечиктирилган ҳар бир кун учун тегишли миқдорда пеня ҳисобланади ва солиқларни ўз муддатида тўламаган фуқаролардан солиқ суммалари суд орқали мажбурий тарзда ундирилади.

## Кўнгилли ёшлар акцияси

**«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида Бўз туманидаги тиббиёт коллежи жамоаси хайрли ишга қўл урди.**
**Гап шундаки, 900 нафардан зиёд бўлғуси тиббиёт ходими мураббийлари билан биргаликда тумандаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга амалий ёрдам беришга киришдилар.**
**Кўнгилли ёшлар устозлари ҳамроҳлигида хонадонларга ташриф буюриб, нуронийлар ҳолидан хабар олмоқдалар. Зарурат бўлганида қарияларга дори-дармон келтириб, уларнинг уй юмушларида ҳам яқиндан ёрдам беряптилар.**

Элмира РАҲМОНОВА.

www.21asr.uz
2015-YIL 26-MART, PAYSHANBA

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

**«XXI ASR»** 13 (593)-son, e-mail: xxi_asr@mail.ru

## БПТнинг муносиб ҳиссаси

**O`zLiDeP қуйи бўғинлари хусусида сўз борса, ғиждувонлик маслакдошлар халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, «Ғиждувон Машҳураси» хусусий корхонаси раҳбари Замира Сафарова етакчилик қилаётган партия қуйи бўғини ҳақида илиқ фикрлар билдиришади. Бу бежиз эмас, албатта**

**Асхор ИСТАМОВ,** «XXI asr»

Шу кунларда барча жойда бўлганидек, ушбу БПТда ҳам сайловолди тарғибот ишлари олиб борилаяпти. Яқинда мазкур қуйи бўғин ташаббуси билан Президентимизнинг партия VII съездидаги маърузасини ўрганишга бағишланган навбатдаги тадбир ўтказилди. Унда тумандаги бир қатор ҚФЙ ва МФЙлар фаоллари, халқ депутатлари туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, тадбиркорлар, фермерлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

**БПТ ЕТАКЧИСИ ЗАМИРА САФАРОВА, ТУМАНДАГИ «КУЛОЛ-УСТАЗОДА» ОИЛАВИЙ КОРХОНАСИ БОШЛИҒИ, O`ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ АЪЗОСИ АЛИШЕР НАРЗУЛЛАЕВ, ПАРТИЯ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ АЁЛЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ, ЖАМИЯТДАГИ РОЛИ ВА МАВҚЕИНИ ОШИРИШ БЎЛИМИ МУДИРИ РОБИЯ САЛИХОВА, «ҚАССОБОН» МФЙ РАИСИ МАСЛАҲАТЧИСИ НАФИСА ИДИЕВА ВА БОШҚАЛАР ЮРТБОШИМИЗНИНГ ПАРТИЯ VII СЪЕЗДИДАГИ МАЪРУЗАСИ БАРЧАМИЗ УЧУН АСОСИЙ ДАСТУРИЛАМАЛ ЭКАНЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИЛАР.**

Туман кенгаши депутати Мусаллам Раҳматова сайловолди тайёргарлик ишларининг бориши бўйича ахборот берди. Участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ташкил этилган ўқув-семинарларнинг муҳим сиёсий кампания арафасидаги аҳамияти хусусида гапирди.

БПТ етакчиси Замира Сафарова, тумандаги «Кулол-устазода» оилавий корхонаси бошлиғи, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси Алишер Нарзуллаев, партия вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги роли ва мавқеини ошириш бўлими мудири Робия Салихова, «Қассобон» МФЙ раиси маслаҳатчиси Нафиса Идиева ва бошқалар Юртбошимизнинг партия VII съездидаги маърузаси барчамиз учун асосий дастуриламал эканлигини таъкидладилар.

Сўзга чиққанлар O`zLiDePдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Ислом Каримовнинг сайловолди дастурида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқ турмуш фаровонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш борасида энг муҳим вазифалар белгилаб берилганлигини алоҳида қайд этдилар.

Эътиборлиси, жами 17 нафар маслакдошни ўз сафига бирлаштирган мазкур қуйи бўғин аъзолари ҳам шу кунларда тумандаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона-ташкилотларда бўлиб, аҳоли ўртасида сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари юксак савияда олиб борилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Тумандаги 70 та сайлов участкасининг амалдаги тартиб-қоидаларга биноан жиҳозланганлиги, она ва бола, тиббиёт хоналарининг ташкил этилганлиги сайловнинг Ғиждувонда ҳам юқори савияда ўтказилишидан далолат бериб турибди. 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида туман бўйича жами 193 600 нафар сайловчининг овоз бериши кутилмоқда. Уларнинг 23004 нафари сайловда илк марта иштирок этаётган ёшлардир.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида O`zLiDePнинг фаоллиги тобора кучайяпти. Бу жараёнда — сайловчилар орасига чуқурроқ кириб бориш, тарғибот ишларининг самарадорлигини таъминлашда бошланғич ташкилотлар салоҳиятидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, партия ҳудудий кенгашлари қошида тузилган тарғибот гуруҳларига қуйи бўғин вакиллари ҳам жалб этилди.**




## ИЗЧИЛЛИК

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,** «XXI asr»

Қайд этиш керакки, тарғибот гуруҳлари зиммасига O`zLiDeP-дан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг ишончли вакилларига жойлардаги учрашувларни замонавий сиёсий технологияларни жорий этган ҳолда ташкил қилинишига кўмаклашиш, аҳоли қатламларига партиямиздан илгари сурилган номзоднинг сайловолди дастури, сайловга оид қонунчилик, шунингдек, O`zLiDeP дастурий ғоя ва мақсадларини атрофлича тушунтириш, мустақиллик йилларида барча жабҳаларда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари мазмун-моҳиятини етказиш, фуқароларни сайловда фаол қатнашишга ундаш вазифалари юклатилган.

Чунончи, партия Тошкент вилояти ташкилоти қошида тузилган, депутатлар, ҳудудий кенгаш мутасаддилари, сайловолди штаблари аъзолари ва БПТ фаоллари — жами 10 кишидан иборат тарғибот гуруҳи Оҳангарон туманида ҳам юқори савиядаги тадбирлар уюштирмоқда. «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!» деб номланган ана шундай мулоқотлардан бири Ўзар қишлоғида ўтказилди.

Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари, партия туман бўлими раиси, тарғибот гуруҳи аъзоси Шунқор Умрзоқов сўзга чиқиб, юртимизда шаклланган ўрта синф давлат ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи жараёнларда фаол иштирок этаётганини таъкидлади. Мулкдорлар мамлакатимиздаги тинчлик ва эркинликдан энг кўп манфаатдор қатлам эканлиги, жаҳонда «ўзбек модели» сифатида эътироф этилаётган ривожланиш йўлимизнинг ўзига хос жиҳатлари, партиямиздан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурида белгиланган устувор йўналишларнинг афзалликларига алоҳида тўхталди.

Меҳнат фахрийси Аҳад Давронов йиғилганлар диққатини яқинлашаётган сайлов мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга ижтимоий-сиёсий воқеа экани, юртимиз келажаги, унинг янада гуллаб-яшнаши, одамларнинг турмуш даражаси бундан-да юксалиши сайловчиларнинг сиёсий етуклиги ва улар қабул қиладиган қарорга боғлиқлигига қаратиб, ушбу тадбирнинг барча қатнашчилари сайлов куни фуқаролик фаолликларини намоён этишига ишонч билдирди.

— Президент сайлови мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг масъулиятли босқичида бўлиб ўтаяпти, — дейди вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, республика «Тадбиркор аёл» уюшмаси раҳбари, тарғибот гуруҳи аъзоси Гулнора Маҳмудова. — Ҳозирги одамларнинг дунёқараши кечагидан тубдан фарқ қилади, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлиги анча ўсган. Шу боис ҳар бир тадбирга жиддий тайёргарлик кўраяпмиз, жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни кучайтирдик. Қисқача айтганда, партиямиздан кўрсатилган номзодга аҳоли муносабатини, ижобий фикрини шакллантириш, кишиларни сиёсий кампанияда фаол иштирок этишга чақириш, умуман, сайловга тайёргарлик ишларига бутун куч ва имкониятларимизни сафарбар қилаяпмиз.

Партия Тошкент вилояти кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Дилноза Дарвишованинг айтишича, барча сайлов участкаларида партиямиз кузатувчилари бўлишини таъминлаш, уларни масъулиятли жараёнга ҳар томонлама пухта тайёрлаш энг долзарб масалалардан биридир.

Бугунга келиб вилоятдаги 872 та сайлов участкасининг ҳар бирига кузатувчи тайинланган. Ушбу вазифа партия фаоллари, БПТ аъзоларидан энг муносибларига топширилганлиги диққатга молик. Мамнуният билан таъкидлаш керакки, улар ўз сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга масъулият билан ёндашаяптилар.

Масалан, куни кеча Бўстонлиқ туманида сайлов кампаниясини муваффақиятли ўтказиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди. Машғулотда 57 тингловчи — сайловолди штаблари аъзолари, партия кузатувчилари иштирок этдилар. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Муҳаббат Тохтаева, партия туман кенгаши раиси Ҳалима Аширова, вилоят кенгаши депутати Машраб Мақсумов сайловга оид қонунлар талаблари, сиёсий кампанияда партиямиз иштироки, кузатувчи ва унинг вазифалари тўғрисида маъруза қилдилар. Сўнгра кузатувчининг вазифалари билан боғлиқ амалий машғулотлар ўтказилди.

— Сайлов қонунчилигимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш устидан жамоатчилик кузатувини амалга ошириш имкониятини беради, — дейди «Бўстон болалар спорт мажмуаси»даги БПТ раиси, 307-сайлов участкасига кузатувчи сифатида бириктирилган Бахтиёр Ибрагимов. — Бу сайлов жараёни очиқ ва ошкора кечишининг энг муҳим шартларидан биридир. Тилга олинган ҳуқуқ бизга — сиёсий партиянинг кузатувчиларига ҳам берилган. Кузатувдан мақсад сайлов қонун-қоидаларини, жумладан, сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш тартибини, сайлов комиссияларининг овоз бериш натижалари ҳақидаги баённомаларини тўлдириш тартибини бузмаган ҳолда овоз беришнинг адолатли тарзда амалга оширилишини таъминлашдир. Семинарларда ўз ҳуқуқларимиз, кузатувчи мақоми, овоз бериш кунидаги фаолиятимиз ва бошқа йўналишлар юзасидан маълумотлар олдик.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юқорида баён этилгани сингари сайловолди тадорик ишлари партиямизнинг жойлардаги барча тузилмалари томонидан изчиллик билан амалга оширилмоқда.

## Партиянинг кучи — оммага яқинлигида

**O'zLiDeP Нукус шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Сифат» республика пахта толасини сертификатлаш марказининг Қорақалпоғистон ҳудудий лабораториясида фаолият кўрсатаётган бошланғич ташкилотда давра суҳбати ўтказилди. Партия шаҳар ташкилоти мутасаддилари, қуйи бўғинлар етакчилари қатнашган тадбирда сайловга тайёргарлик масалалари, Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди.**

**— Давлатимиз раҳбари ўз чиқишида қонунлар лойиҳалари, айниқса, аҳолининг ҳаётий муҳим манфаатлари, ижтимоий ҳуқуқларига бевосита дахлдор бўлган ҳужжатлар муҳокамасига жамоатчилик, фуқаролик институтлари вакилларини кенг жалб этиш лозимлигини таъкидладилар, — деди ўз сўзида партия шаҳар кенгаши раиси биринчи ўринбосари З.Баекеев. — Дарҳақиқат, аҳолининг турли қатламлари вакиллари орасида иш олиб борувчи қуйи бўғинлар партия юқори органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қонун лойиҳалари муҳокамасида бевосита иштирок этиши айни муддаодир. Зеро, партиянинг кучи — оммага яқинлигида.**

**Мулоқот иштирокчилари партия юқори органлари қарорига асосан тузилган тарғибот гуруҳларига сайловолди тадбирларини уюштиришда ҳар жиҳатдан ёрдамлашиш билан боғлиқ ишларнинг ҳолатини атрофлича муҳокама қилиб, бу борада бошланғич ташкилотлар фаоллигини янада ошириш кераклигини қайд этдилар.**

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.

## Маҳаллада байрам шукуҳи

**Марғилон шаҳридаги Йўрмадўз маҳалла фуқаролар йиғинида 2938 нафар киши истиқомат қилади.**

**— Мустақиллик туфайли халқимизнинг миллий қадриятлари, унутилган анъана ва урф-одатлари ҳаётимизга қайтди, — дейди мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухторжон Ҳасанов. — Айниқса, Наврўз байрамимизнинг ҳар йили юксак савияда нишонланаётгани кексаю ёш қалбида бир-бирига меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, хайр-саховат, бағрикенглик туйғуларини жўштирмоқда. Президентимизнинг «2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан байрамга тараддуд тадбирларини ишлаб чиққандик. Жумладан, маҳаллада ҳашар уюштирилиб, катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.**

**Маҳалладаги Наврўз тантанаси «Пур Сиддиқ зиёратгоҳи» мажмуасида бўлиб ўтди. Унда нафақат йўрмадўзликлар, балки Тақачилик, Аҳкамдор, Қият каби ўнлаб маҳаллалар фуқаролари ҳам иштирок этдилар.**

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

## Тадбиркор талабанинг ўзига хос бизнеси

**Юртимизда бизнесни самарали йўлга қўйиб, ички ва ташқи бозорда ўз товарларининг брендига эга бўлган иқтидорли ёшлар сафи йил сайин кенгайиб бораяпти**

Рисолат МАДИЕВА, «XXI asr»

O`zLiDeP аъзоси Бобуржон Зокиров ана шундай истеъдод эгаларидан. У Турин политехника университетида таҳсил олиш билан бирга «Goldenote» масъулияти чекланган жамиятига раҳбарлик ҳам қилаяпти. Даставвал «Зиё-глобус» хусусий корхонаси сифатида ташкил этилган МЧЖда бугун 20 турдан зиёд ўқув-услубий анжом ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг асосий қисми таълим муассасалари ўқув-машғулотларида кенг фойдаланиладиган глобуслардир.

— Нега айнан глобуслар билан қизиқиб қолдингиз? — деган саволимизга ёш тадбиркор шундай жавоб берди:

— Шу пайтгача сиёсий-маъмурий, табиий-географик глобуслар нафақат юртимиз, балки қўшни давлатларга ҳам хориждан келтирилар экан. Шу боис уларни ўзимизда ҳам ишлаб чиқариш ташаббуси юзага чиқди. Бугун корхонамизда кунига ўттиз-қирқта икки хил ҳажм, 10 хил турдаги ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқараяпмиз. Асосан коллеж битирувчиларидан иборат 20 нафарлик жамоамиз томонидан рус, инглиз, ўзбек тилларида яратилаётган глобусларга талаб катта.

«Ташаббус-2014» кўрик-танловида «Энг яхши оилавий бизнес» номинацияси ғолиби бўлган Бобуржон Зокиров ўтган йили партиявий лойиҳаларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб, «Микрокредитбанк»дан 35 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритгач, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, янги, такомиллашган моделлар устида изланиш имкониятларини оширди. Кредит ҳисобига хориждан келтирилган асбоб-ускуналар ёрдамида глобуснинг офислар учун мўлжалланган ва совғабоп турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юртимизда ўтказилиб келинаётган танлов ва кўргазмалар, корпорацион биржа ва ярмаркалардаги иштироки унинг ташқи бозорлар билан ҳам алоқа ўрнатишига замин яратаяпти.

— Германиянинг «Guhring» компанияси билан маркетинг масалаларида ҳамкорлик қила бошлаганимиз айни муддао бўлди, — дейди тадбиркор талаба. — Мақсадимиз сифатни назорат қилишнинг барча босқичларини модернизациялаш, ишлаб чиқариш жараёнларини мониторинг қилишдир. Бунга эришсак, бозордаги барқарор ўрнимиз янада мустаҳкамланади.

Бир ойда минг дона глобус, икки минг харита ва уч мингта ўқув-кўргазмали қурол ишлаб чиқараётган корхона эгасининг орзулари катта. Яқин келажакда «Goldenote», яъни «Олтин эслатма» номи билан ишлаб чиқарилаётган глобуслар экспорт ҳажми ортишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилса, ажаб эмас.

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2015 йил 16 февралдаги қарорига мувофиқ халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига партиядан сайланган депутатлар ўртасида «Йилнинг энг яхши депутати» кўрик-танлови ўтказилади.**

Танлов ҳар йили 1 ноябрдан 5 декабргача икки босқичда ўтказилади:

Биринчи босқич – 1 ноябрдан 25 ноябргача.

Иккинчи босқич – 25 ноябрдан 5 декабргача.

Танловда қатнашиш учун буюртма ва қатнашчиларнинг ахборот карталари электрон шаклда tdep@uzlidep.uz манзилига юборилиши керак.

Танлов қатнашчиларига совринли ўринларни бериш тўғрисидаги қарорни Танлов комиссияси қабул қилади. Танлов комиссияси таркиби O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқланади.

Танлов комиссияси томонидан қатнашчилар тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаларига асосан қуйидаги номинациялар бўйича энг яхши депутатлар аниқланади:

«Депутатлик (жамоатчилик) назорати»
«Одамларга яқин бўлган депутат»
«Партиявий лойиҳа»
«Депутат — устоз»
«Фаолиятда самарадорлик»
«Ташаббускор депутат»

Танловнинг ҳар бир қатнашчиси учтадан кўп бўлмаган номинацияларда қатнашиш учун ҳужжат топширишга ҳақлидир.

Танлов Низоми, танлов қатнашчилари фаолиятини баҳолаш мезонлари, танловда қатнашиш учун буюртма ва қатнашчиларнинг ахборот карталари uzlidep.uz электрон манзилида жойлаштирилади.

Танлов якунида Танлов комиссияси ҳар бир номинация бўйича ғолибни аниқлайди.

Номинация бўйича ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

**Қўшимча маълумотларни 255-04-57 ва 255-92-90 телефон рақамларидан олиш мумкин.**

# ТАҲЛИЛ

ЎЗБЕКИСТОН-ХИНДИСТОН

## Фармацевтика саноати бизнес-форуми

**Тошкентда ўтказилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзфармсаноат» Давлат-акциядорлик концерни, Ҳиндистон фармацевтика воситалари экспортини ривожлантириш кенгаши («Pharmexcil») мутасаддилари, фармацевтика воситалари ва тиббиёт ускуналарини ишлаб чиқарувчи компаниялар раҳбарлари иштирок этдилар. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда соҳани янада ривожлантириш мақсадида маҳаллий хомашёдан дори воситалари ишлаб чиқариш, импорт қилинадиган товарлар ўрнини босишга йўналтирилган маҳсулотлар номенклатурасини кўпайтириш, корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш борасидаги кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Ўзфармсаноат» ДАК юртимизда дори воситалари ва биопрепаратлар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳолининг дори-дармон маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда муҳим ўрин тутмоқда. Концерн 22 йиллик фаолияти мобайнида доривор ўсимликларни етиштириш, қадоқлаш, тиббий эҳтиёж буюмлари, биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш, уларни улгуржи сотиш борасида ибратли ишларни амалга ошириб келаётир.**

**— Мамлакатимиз ҳудудида ўсадиган 4 минг 500 турдан зиёд ўсимликнинг 1150 тури доривор эканлиги эътиборга олиниб, олим ва мутахассислар томонидан мазкур ўсимликлар асосида замонавий тиббий препаратларни яратиш бўйича кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, — дейди «Ўзфармсаноат» ДАК бошқаруви раиси маслаҳатчиси Жамолиддин Нажмиддинов.**

**— Ҳозирда мамлакатимизда фармацевтика корхоналари томонидан 30 шаклдаги (1400 дан зиёд номдаги) маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. 2014-2016 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурлари доирасида 168 млн. АҚШ долларилик 56 та лойиҳани амалга ошириш, маҳаллий ўсимликлар асосида тиббий препаратлар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш кўзда тутилган.**

**Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, сармоядорлар учун яратилган қулай шароит туфайли фармацевтика корхоналарининг капитали таркибида чет эллик ҳамкорларнинг улуши 33,3 фоизга етди. Ўзбекистон фармацевтлари Германия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Польша, Болгария, Чехия ва бошқа мамлакатларнинг етакчи компаниялари билан яқин алоқа ўрнатган.**

Ўз мухбиримиз.

**Қашқадарё вилоятида давлат мулкини хусусийлаштириш орқали воҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар сафини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир**

# МУЛК — «НОЛЬ» ХАРИД ҚИЙМАТИДА

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

Давлат мулки объектларини тадбиркорларга «ноль» харид қийматида сотиш борасидаги тегишли қарорлар асосида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналар ва хизмат кўрсатиш мажмуалари ташкил этилаяпти. Фаолияти тўхтаб қолган, паст рентабелли ва зарар билан ишлаётган объектлар инвестиция мажбурияти эвазига ишбилармонларга бепул берилаётганлиги маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтиришда қўл келмоқда.

— Вилоятда давлат дастурларини бажариш, хусусийлаштириш манбаларидан маблағлар тушириш, инвестициялар жалб этиш орқали корхоналар фаолиятини самарали ташкил этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қашқадарё ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мустафхон Султонов. — Давлат тасарруфидан чиқарилаётган корхоналар ва объектлар ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча инвестиция мажбуриятларини олиш шарти билан мулкдорларга сотилиб, бугунги кун талаби даражасида фаолият юритиши таъминланаётир. Хусусан, 26 та объект бўйича тузилган шартномаларга мувофиқ киритилиши белгиланган инвестицияларнинг жами миқдори 14 484,9 млн. сўм ва 4 400,0 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Шундан 17 таси инвестиция мажбурияти эвазига «ноль» харид қийматида (13 458,9 млн. сўм ва 4 400,0 минг АҚШ доллар) сотилган, 9 таси эса оммавий савдолар орқали қўшимча (1026,0 млн. сўмлик) инвестиция мажбуриятини олган объектлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан инвестиция киритиш эвазига «ноль» харид қийматида сотилиши белгирида инвестиция киритилиб, 223 та янги иш ўрни яратилди.

Масалан, Қарши-Бешкент йўлидаги қурилиши тугалланмаган бино инвестиция киритиш шарти билан «Чилонзор парранда» корхонасига берилди. Айни пайтда корхона томонидан 3458,9 минг сўмлик инвестиция киритилиб, мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ҳолда 46 та янги иш ўрни яратилди.

Қамаши туманидаги «Ёшларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази»нинг фойдаланилмаётган иншооти негизида «Самспецсантехстрой» МЧЖ томонидан саноат, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш йўлга қўйилиши натижасида 30 нафар киши ишли бўлди.

Касби туманидаги «Ғозиев Жўра Ғозиевич» фермер хўжалиги Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси туман бўлими биносини таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари, асбоб-ускуна ва жиҳозлар ўрнатиш учун 36 млн. сўм ўрнига 64,7 млн. сўм инвестиция киритиб, бу ерда тикувчилик цехи ва автомобилларга техник хизматни йўлга қўйди.

Ўтган йил давомида ҳудуд-ланган 7 та объектга 8212,9 млн. сўмлик инвестиция киритиш ва 188 та янги иш ўрни яратиш мажбурияти қўйилган бўлса, йил якунларига кўра, шартномаларда кўрсатилган 755,5 млн. сўм ва 2550,0 минг АҚШ доллари ўрнига 1297,3 млн. сўм ва 1117,3 минг АҚШ доллари миқдорларда 2078 та давлат объекти хатловдан ўтказилиб, 156244,5 кв.м. майдонга эга бўлган 705 та бўш турган давлат нотурар-жой объектлари аниқланди. Улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида умумий майдони 112015 кв. метр бўлган 612 та объект вилоят ижара маркази орқали тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди. Бунинг натижасида 2069,2 млн. сўм маблағ туширилиб, 700 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

Вилоят марказидаги «Автошоҳбекат» давлат унитар корхонаси балансидаги бинонинг 200,0 метр кв.метр бўлган қисмида «Гранд мебель дизайн» МЧЖ томонидан мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси тасарруфидаги «Қарши халқаро аэропорти» ДУКнинг бўш турган «Болалар боғчаси» биноси тўлиғича «PREMIUM CAPITAL GROUP» МЧЖга инвестиция киритиш шарти билан чарм пойафзал маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида ижарага берилди.



— Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилдаги устувор масалаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган асосий йўналишлардан бири иқтисодиёт тармоқларида давлат улушини қисқартириш ва хусусий сектор улушини ошириш юзасидан вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган дастурга кўра вилоятдаги 125 та объектдан самарали фойдаланиш таклифлари ишлаб чиқилди, — дейди Мустафхон Султонов.

— Хусусан, 64 та давлат активини оммавий савдолар орқали, 34 та объектни инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш шарти билан «ноль» харид қийматида сотиш, 8 та давлат корхонасини тугатиш, 4 та объектни бузиш ва бўшайдиган 1,62 гектар ер майдонини тадбиркорлик субъектларига бериш, 7 та давлат активини хўжалик жамиятлари устав фондига киритиш, 8 та жамиятда қўшимча акция чиқариш орқали давлат улушини камайтириш кўзда тутилган.

Объектлардаги инвестициявий мажбуриятлар тўлиқ бажарилиб, маълум бир фаолият тури йўлга қўйилгандан кейин инвесторларга мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар расмийлаштириляпти. Инвесторлар корхона ва объектларни хусусийлаштиришда ўз зиммасига олган мажбуриятни белгиланган муддатда бажармаса, тузилган олди-сотди шартномаси бекор қилиниши ҳамда кейинчалик улар бошқа мулкдорларга сотилиши белгиланган. Бу жараёнда, айниқса, мулкдан оқилона фойдалана оладиган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этадиган тадбиркорларни топиш тажрибаси яхши самара бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, Қашқадарёда инвестицион иқтисодий тараққиётни кафолатлаш аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилаяпти.

# Яхшидан боғ қолади

**Дарҳақиқат, ушбу ҳикмат замирида катта ҳаётий ҳақиқат бор. Яхши инсондан аввало яхши ном, серҳосил боғлар қолади. Яхши номи билан инсонларга андоза бўлса, яратувчан қўллари билан бунёд этган боғ-роғлардаги мевалардан катта-кичик баҳраманд бўлади**

Ўрта Чирчиқ туманидаги «Кончи» боғдорчилик хўжалигига қарийб 15 йил раҳбарлик қилган, ер илмига умрини бағишлаб, боғдорчиликда бой тажриба тўплаган Собир ака Шаимов ҳам боғ яратиб, яхши ном қолдирган камтарин ва меҳнатсевар инсон эди.

Ота дуосини олиб, ибратли ҳаёт йўлини давом эттираётган «Шаимов Собиржон» боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги раҳбари Зокиржон Шаимовнинг ишлари баракали бўлмоқда.



У 2008 йили 13 гектарлик олмазорни тендерда ютиб олган. Шундан буён 4 нафар қишлоқдоши билан ҳамжиҳатликда меҳнат қилмоқда. Касби муҳандис эмасми, билимлари ҳудудга трансформатор қўйилиб, насослар орқали сув чиқарилишида жуда қўл келди. Сийрак жойларга янги кўчатлар экилди. Сув юрмайдиган, нотекис жойлар текисланиб, равон жўяклар ташкил этилди. Фермер хўжалиги қошида дала шийпони қурилиб, зарур шароит яратилди.

— Кўклам кириши билан иш қизғин тус олади. Дарахтларга шакл берилиб, қуртга, шира тушишига қарши дориланади. «Боғ яратиш савоб иш. Сен дарахтга меҳр берсанг, у сенга мевасини беради», дердилар отам менинг қалбимга ҳам боғ яратишдек эзгуликни солиб кетар эканлар. Ҳар бир дарахт отам айтган ҳикматларни шивирлаётгандек бўлади назаримда, — дейди Зокиржон.

Унинг кўзларида яхши ишлари билан гўзал диёримизнинг янада гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшаётганидан фахр, қалбида эса отасининг йўлини давом эттираётганидан ифтихор ҳислари жўшиб турарди.

**Анора КАРИМОВА.**




# Ҳаммамиз истеъмолчимиз

**Мамлакатимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан кафолатланган**

**Рисолат МАДИЕВА,**
«XXI asr»

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ижтимоий ҳаракат сифатида давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари, нодавлат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш ва назорат қилувчи идоралар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда федерациянинг 14 та ҳудудий бирлашмаси, 193 та туман (шаҳар) жамияти, ҳудудлардаги маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасаларда 5971 та таянч гуруҳи ишлаб турибди.

— Кундалик турмушда барчамиз истеъмолчимиз, — дейди федерация раиси вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Саримсоқов. — Савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, газ, сув, электр энергияси таъминоти, жамоат транспорти, почта-алоқа ва бошқа хизматлардан фойдаланамиз. Баъзан сифатсиз ёки яроқлилик муддати ўтган маҳсулотларга дуч келганда кўнглимиз хира тортади. Шу боис жойларда тарғибот ишларини янада кучайтириш, айниқса, аҳолини амалдаги қонун ҳужжатлари билан таништириш, истеъмол маданиятини оширишга доир маданий-маърифий тадбирларга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Бундан ташқари, шу соҳаларда инсон ҳуқуқларининг таъминланиши тизимли ижтимоий сўровлар асосида ўрганилаётгани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда яхши самара бераётир. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган тадбирлар ҳам ижобий натижаларимиз салмоғини оширмоқда.

Маълумотларга қараганда, 2014 йилда федерация тузилмаларига истеъмолчилардан жами 6850 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 6498 таси, яъни 94,9 фоизи ижобий ечим топган. Жами 2 млрд. 797,1 млн. сўмликдан ортиқ моддий ва маънавий зарар қайта ҳисоб-китоб қилиниб, истеъмолчилар фойдасига ҳал этилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда аҳоли фикрини ўрганишнинг аҳамияти катта. Шу боис федерация томонидан ўтган йили 545 маротаба сўровнома ўтказилиб, 33793 нафар фуқаронинг таклиф ва мулоҳазалари асосида ижтимоий тадқиқот ишлари амалга оширилган.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонуности ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан таҳлил ўтказилиб, Давлат рақобат қўмитаси ва бошқа мутасадди идораларга киритилган. «Истеъмолчи кутубхонаси» туркумидаги «Товар ёрлиғи ва штрихли кодлаш», «Умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун 100 савол ва 100 жавоб», «Тиббий хизмат ва истеъмолчилар ҳуқуқлари», «Почта хизматларини кўрсатишда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш», «Истеъмолчи: ҳуқуқ ва мажбуриятлар» каби рисолалар чоп этилган.

Мухтасар айтганда, бугун мамлакатимизда истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча воситалар ишга солинаяпти. Бу эса, ўз навбатида, нафақат истеъмолчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, балки кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдек устувор вазифа бажарилишига ҳам муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппаратининг бўлими мудири Ботир Мардаевга падари бузруквори
**ХУРРАМ ОТА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ҚУТЛОВ

## ҚИЗИЛТЕПА АГРОСЕРВИС ВА ТРАНСПОРТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон аҳлини бирдамлик,
бунёдкорлик ва эзгулик тимсоли —
Наврўз байрами билан самимий табриклайди.
Вужудимизни ҳаётбахш умидлар қамраб олиши,
янгиланиш ва яшариш фасли
қалбларимизда акс-садо бериши
Наврўздан даракдир.
Ана шу завқли дамлар
сизни йил давомида тарк этмасин!*



## Асака туманида фаолият юритаётган «САМАР АГРО ЗООВЕТ СЕРВИС» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*барча юртдошларимизни
борлиқни ям-яшил либосга буркаб,
дошқозонларда сумалак қайнатган,
халқимиз ардоқлаб нишонлайдиган
Наврўзи олам билан қутлайди.
Яратувчанликнинг абадий қудрати
ўзига чорлаётган ана шундай дамларда
барчангизга сиҳат-саломатлик,
дастурхонингизга тўкин-сочинлик тилаймиз.
Ҳар кунингиз Наврўз бўлсин, азизлар!*

## АТБ Qishloq Qurilish Bank
### Тошкент вилояти минтақавий филиали жамоаси

*барча юртдошларимизни яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўз билан чин дилдан табриклайди. Сизларга мустаҳкам соғлиқ ҳамда оилавий бахт тилаган ҳолда қуйидаги янги жозибадор омонат турларини таклиф этамиз.*

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:**

**«Кексаларга таъзим»** – омонатға маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

**«Кексаларни қадрлаш»** – омонатга маблағлар 6 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

**«Имконият»** – омонатға маблағлар 1 йилдан - 3 йилгача қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фоизларга қўшимча тарзда фоизлар ҳисобланади ҳамда ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:**

**«Percent»** — омонатға маблағлар 4 ойга қабул қилинади.

**«Profit»** — омонатға маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугағандан сўнг берилади.

**Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:**

**«Мадад»** – маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;

**«Хонадон»** – маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади;

**«Қурилишга бошланғич бадал»** – муддати 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

**Сизнинг омонатингиз:**

— солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!

— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

— эгалик ва тассаруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!

— миқдори чекланмаган!

***Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!***

Мурожаат учун: (+99871) 150-79-09, 150-79-19, www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

## Гулистон шаҳридаги «УЧЛИК-ИШОНЧ САВДОСИ» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

**халқимизни ўзининг
бетакрор кўрку жамоли,
меҳнат ва муҳаббат,
гул ва алёрларнинг муштарак рамзи
сифатида кириб келган
Наврўзи олам
билан самимий табриклайди.
Борлиқ инъом этган ободлик, поклик,
янгиланиш ва яратиш завқи
одам ва оламни чулғаган
ана шундай дамларда осуда ҳаётимиз,
мустақил Ватанимизга
кўз тегмасин, деб қоламиз.**

## АТБ «QISHLOQ QURILISH BANK»
### Навоий вилояти минтақавий филиали жамоаси

**АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Навоий минтақавий филиали жамоаси барча юртдошларимизни баҳор айёми — Наврўзи олам билан самимий табриклайди. Хонадонларингиздан қут-барака аримасин, дастурхонингиз тўкин-сочин бўлсин!**

**Жисмоний шахслар учун жорий этилган омонатлар тўғрисида 2015 йил 1 март ҳолатига МАЪЛУМОТ**

| Т/Р | Омонат номлари | Депозит тури | Сақлаш муддати | Йиллик фоизи | Бошланғич бадал (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | «Қурилишга бошланғич бадал» | Жамғармали | 1 йил | 9 фоиз | Чекланмаган |
| 2 | «Қулай» | Муддатли | 1,2,3 ой | 21 фоиз | Чекланмаган |
| 3 | «Кексаларни қадрлаш» | Муддатли | 6 ой | 20 фоиз | 500 000 сўмдан юқори |
| 4 | «Хонадон» | Жамғармали | 1 йилдан ортиқ | МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорида | Чекланмаган |
| 5 | «Кексаларга таъзим» | Муддатли | 12 ой | 21 фоиз | 500 000 сўмдан юқори |
| 6 | «Имконият» | Жамғармали | 1 йилдан 3 йилгача | 20 фоиз | Чекланмаган |
| 7 | «Қулай тўлов» | Коммунал мақсадли | 6 ой | 23 фоиз | Чекланмаган |
| 8 | «Тежамкор» | Коммунал мақсадли | 12 ой | 24 фоиз | Чекланмаган |
| 9 | «Коммунал» | Коммунал мақсадли | 24 ой | 25 фоиз | Чекланмаган |
| 10 | «Мадад» | Муддатли (Намунавий уй-жойдан олган мижозлар учун чиқкан фоизи ипотека кредитига йўналтирилади) | 24-36 ой | 26 фоиз | Чекланмаган |
| 11 | «Баракали мавсум» | Муддатли | 2-6 ой | 21 фоиз | Чекланмаган |



Хизматлар лицензияланган

# ҚУТЛОВ

## Томди туманидаги «КЕРИЗБУЛОҚ» ширкат хўжалиги жамоаси

*сизларни Наврўз байрами билан чин юракдан муборакбод этади. Яшариш айёми юртимизга осойишталик ва фаровонлик, ҳар бир оилага бахту саодат, қут-барака олиб келсин. Жаҳон ҳамжамиятида нуфузи тобора ортиб бораётган мамлакатимизда тоабад тинчлик ва тотувлик барқарор бўлсин!*




РЕКЛАМА




**Автосалон в Ташкенте**
**тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99**
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «POYTAXT»)

ЗАЗ
www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.

## Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият МИЛЛИЙ БАНКИ Тошкент вилоят филиали жамоаси

*ҳамюртларимизни ва банк мижозларини яшариш, янгиланиш, гўзаллик ва нафосат байрами — НАВРЎЗ АЙЁМИ билан самимий қутлайди. Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлишини тилаб, Кексаларни эъзозлаш йилида бахт ва омад ёр бўлсин, деб қоламиз.*

### МУТОЙИБА

Икки талаба учрашиб қолди:

— «Таомномалар» китобини харид қилгандим, лекин ундан ўзимга тўғри келадиган рецептни топа олмадим.

— Нега?

— Чунки ҳаммаси бир хилда — «Тоза идиш олинг...» деб бошланган экан.

***

Ярим кечаси телефон жиринглади:

— Алло, кечирасиз, уйғотиб юбормадимми?

— Уйғотдингиз!

— Унда яна минг бор узр, эрталаб қўнғироқ қиламан. Ҳозир кайфиятингиз йўққа ўхшайди...

***

Икки дугона суҳбатидан:

— Анчадан бери тобим йўқ. Мазам бўлмаяпти. Ўтиб кетармикан?

— Ўтиб кетади. Ён қўшнимиз худди сенга ўхшаб юриб, охири ўтиб кетди...

Фахриддин НУРАЛИЕВ тайёрлади.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАЖАБОВ.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 2490 Тираж: 17395

Баҳоси келишилган нархда.

Топширилди — 20:00

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**

**©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.**

**Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.**

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: О.РАЖАБОВ, Ф.НУРАЛИЕВ.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Томдига баҳор келди

## ... Кармана, Навбаҳор ва Конимех туманларининг оқ-пушти гулларга бурканган боғлари, кўзни қувонтиргувчи ям-яшил майсазорлари ортда қолди

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI asr»

Машинамиз улкан уммон бағрини иккига бўлиб олға интилаётган кема сингари Қизилқум чўлининг туя ўркачларига ўхшаш сон-саноқсиз барханларини кесиб ўтувчи текис ва равон асфальт йўлнинг чамаси уч юз чақирим қисмини босиб ўтганидан сўнг олтин изловчилар шаҳри — Зарафшон орқали вилоятнинг шимолий тумани — Томдига етиб келди.

Юртимизга аллақачон баҳор келганлигидан бехабардек бу ердаги саксовуллар, шунингдек, шувоқ, явшон ва бошқа чўл гиёҳлари билан қопланувчи яйловлар ҳали қиш уйқусидан уйғонмаган. Сервиқор Оқтов тоғ тизмалари билан ёнма-ён борувчи йўл бизни туман марказидаги сайлгоҳга олиб борди.

Бобоқуёш кетишни истамаётгандек хобгоҳи томон секинлик билан одимлайди. Асрлар давомида овулга ҳаёт ато этиб келган чашма номи билан аталувчи Томдибулоққа яқин атрофдаги хонадонлардан меҳмонлар ташриф буюрмоқда. Миллий нақш ва каштачилик намуналари билан безатилган ўтовларга уруш ва меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари, ота-бобосидан чўпон таёғини қабул қилиб олган ёшлар таклиф этилди. Миллий таомлар билан сийланган азиз нуронийлардан оқ фотиҳа олингач, меҳмонлар байрамнинг асосий тантаналари ўтадиган саҳна атрофига таклиф қилинди. Бу ерда тумандаги турли корхона ва ташкилотларнинг бадиий ҳаваскорлари томонидан ижро этилган ўзбек, қозоқ, рус ва бошқа қардош халқларнинг куй-қўшиқ ва рақслари тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият улашди.

Бир кун олдин меҳмонлар билан гавжум сайилгоҳ 21 март куни тонг саҳардан Конимеху Нурота, Зарафшону Учқудуқ, шунингдек, қўшни давлат билан чегарадош улкан ҳудудда ястанган овуллардан ташриф буюрганлар билан янада файзга тўлди.





Туман ҳокими Қайрат Алдабергенов истиқлол туфайли қадр топган қадрдон байрам — Наврўзи олам билан барчани қутлаб, мустақиллик йилларида мамлакат, вилоят ва туманда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қурилиш, бунёдкорлик ва ободончилик ишлари хусусида фикрлар билдириб, байрам тантаналарини очиб берди. Шундан сўнг ошпазлар паловхонтўрани тайёрлаш, эр йигитлар енг шимариб кураш тушиш ва арқон тортиш, созандалар авж ила дўмбира чертиш бўйича ташкил этилган мусобақаларда беллашишга тушиб кетдилар. Тан олиш жоиз: зўр уюшқоқлик, кўтаринки руҳда ўтган ҳар бир мусобақани бошқариб борган ҳакамларнинг ғолибларни аниқлашдаги фаолияти айниқса масъулиятли бўлди. Беллашувлар якунига кўра, умумжамоа ҳисобда Томди давлат наслчилик хўжалиги чорвадорлари биринчи ўринни эгаллади.

Ўз навбатида умумхалқ байрамида иштирок этолмаган нуроний отахону онахонлар, касалманд кишилар ҳолидан хабар олинди. Биз ҳам туман йўл хўжалиги, пудрат-таъмирлаш фойдаланиш корхонаси бошлиғи Тўйбой Исломов билан биргаликда мазкур корхонада узоқ йиллар ишлаб, нафақага чиққан 90 ёшли Ботир бобо Тауенов хонадонида бўлдик.

— Наврўзимизни қайта тиклаган, ўзимизни, ўзлигимизни қайтарган мустақилликка кўз тегмасин, барча эзгу ишларнинг бошида турган муҳтарам Юртбошимиз омон бўлсин, — дея дуо қилди отахон.

Ҳа, катта тантаналар билан нишонланиб, барча эзгу тилакларнинг ижобати тиланган шодиёналардан қайтар эканмиз, биз ҳам кўнгилларга баҳорий илиқлик олиб келган Наврўз томдилик чорвадорлар учун қизғин паллага кирган тўкинлик рамзи — тўл мавсуми муваффақиятли кечиши, қўралар қўзиларга тўлиб, хонадонлари файзу барокатли бўлишлигини тиладик.







### Оилавий тадбиркорлар саъй-ҳаракати

**Орамизда шундай инсонлар борки, улар ҳамиша халқ фаровонлиги, жамият равнақини ўйлаб яшайди. Тошлоқ тумани Тоглиқ маҳалла фуқаролар йигинида истиқомат қилувчи Солижон Мирзараҳимов ҳам шундайлардан бири. У оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган. Турмуш ўртоғи Замирахон опа қишлоқдаги 10-умумтаълим мактабида ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда. Қалби яхшилик ҳисси билан тўлган бу инсонлар маҳаллани обод қилиш, аҳолига қулайликлар яратиш борасида бирмунча ишларни амалга оширишди. Жумладан, ушбу оиланинг саъй-ҳаракати билан маҳалла гузарида янги новвойхона, қассобхона, озиқ-овқат, хўжалик моллари дўконлари очилди. Қишлоқ аҳли оилавий тадбиркорлар хизматидан мамнун. Солижон аканинг қишлоқни ободонлантириш борасида ҳали режалари кўп. Ўгиллари Элёржон, Ихтиёржон, Аҳрoржон ҳам бу хайрли ишларда фаоллик кўрсатмоқда.**

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

# НИГОҲ

## Телефонга «яширилган» тил ўрганиш дастури

**Тошкент ахборот технологиялари университетида «Дастурий инжиниринг» ва «Телекоммуникация технологиялари» факультетларининг истеъдодли талабалари ва профессор-ўқитувчилари «Дастурий ва техник ишланмалари кўргазмаси»ни ташкил этишди**

**Фахриддин НУРАЛИЕВ,**
«XXI asr»

Кейинги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бошқа соҳаларга нисбатан жадал ривожланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мазкур университет эса шу йўналишда малакали мутахассислар тайёрлаб берувчи Марказий Осиёда ягона олий ўқув юрти ҳисобланади.

Биринчи марта ташкил этилган кўргазмада талабалар томонидан яратилган дастурий маҳсулотлар намойиш этилди. Хусусан, уяли қурилмалар учун мўлжалланган 18 та дастурий восита, 37 та веб-сайт ва веб-илова, компьютер ўйинлари, шунингдек, электроника соҳасидаги 25 та техник ишланманинг ҳар бири тадбирга ташриф буюрган меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

— Мен яратган дастур ёрдамида умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари инглиз тилини мустақил ўрганиши мумкин, — дейди «Дастурий инжиниринг» факультети талабаси Билолбек Ғиёсов. — Уни уяли телефонга ҳам, компьютерга ҳам бирдек юклаб олиш мумкин. Инглиз тилидаги сўзлар ўқувчининг эсида қолиши учун расмлар орқали ифодаланади. Ҳозирча дастур луғатида икки юздан ортиқ сўз бор.

Университетнинг яна бир талабаси Феруз Муяссаров яратган технологик ускуна кўпчиликнинг эътиборини тортди. У телевизор пультида уйдаги барча маиший буюмларни ўзи яратган қўшимча техник восита орқали ишлатиш мумкин эканлигини намойиш этди.

Тадбир якунида «Энг яхши уяли илова», «Энг яхши веб-илова», «Энг яхши Windows» илова ва «Энг яхши техник ишланма» муаллифлари аниқланиб, ташкилотчиларнинг махсус сертификати ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

## Миралиев маълумотларининг моҳияти

**Пойтахтимизда Жаҳон банки ва Халқаро Молия корпорациясининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан биргаликда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва давлат мулки улуши мавжуд корхоналарни хусусийлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**
**— Айни пайтда мутасадди идоралар томонидан 2015-2016 йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича дастур лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда, — деди тадбирда Давлат рақобат қўмитаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари Алишер Миралиев. — Унда корхоналар давлат активлари ва объектларни очиқ савдоларда сотиш, фаолият кўрсатмаётган объектларни хусусий инвесторларга тўлиқ сотиш ҳамда фонд биржасидаги операциялар ҳажмини ошириш, қўшимча акциялар чиқариш ва очиқ савдоларга жойлаштириш йўли билан сармоядорларни жалб этиш орқали реал иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларидаги давлат иштирокини тубдан қисқартириш ўз аксини топади.**
**Давра суҳбатида, шунингдек, халқаро экспертлар давлат мулкини хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.**
**Тадбир иштирокчилари Жанубий Корея, Германия, Малайзия тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мавжуд корхоналарда бошқарувни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилишди.**

Рисолат МАДИЕВА.

## Тадбиркор дугоналар

**«Микрокредитбанк»нинг Асака филиалига бу йил ҳам касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан истиқболли лойиҳалар келиб тушмоқда.**
**Банк ходимлари ҳар бир лойиҳа муаллифи билан орзу-ўйлари, ишлаб чиқаришни кўзда тутилган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизмат турлари, сарфланиши режалаштирилаётган маблағлар хусусида суҳбатлашиб чиқяптилар.**
**— Ёшларнинг интилишлари бир олам, — дейди кредит бўлими бош мутахассиси Моҳидилхон Узоқова. — Ўтган йили шу тариқа кредитлар билан таъминланган 70 нафардан ортиқ битирувчи 100 га яқин янги иш ўрни яратишга эришди. Масалан, Гулҳаё Ҳакимова ва Муҳайё Абдухалилованинг бизнес-режаси кўриб чиқилгач, уларга 4,8 миллион сўмдан кредит маблағлари ажратиб берилган эди. Натижада улар ўз қишлоқларида мўъжазгина қандолатчилик цехини ишга туширдилар. Бошқа икки дугона — Дурдона Сайфиддинова ва Каромат Нажмиддинова банк кредитидан унумли фойдаланган ҳолда тикувчилик цехини ташкил этиб, кийим-кечаклар ишлаб чиқармоқдалар.**

Элмира РАҲМОНОВА.

## «Opel trans»нинг омадли юриши



**Ўнта «Isuzu NP 37» русумли автобусни харид қилиш мақсадида 2014 йилнинг декабрида банкдан уч йил муддатга кредит олган Хоразм вилоятидаги «Opel trans» масъулияти чекланган жамияти бугунгача уларнинг тўрттасини қабул қилиб олди. Қолган олтитаси кейинги икки ой давомида етказиб берилади.**
**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ахборот хизматининг хабар беришича, 2006 йилда ташкил этилган мазкур МЧЖ бундан аввал ҳам лизинг асосида ўз паркини янгилаш чора-тадбирларини кўрган. Хусусан, 2007 йилда корхона беш дона «PAZ 32057» русумли автобусларни сотиб олган.**
**2010 йилда эса «Opel trans» 20 дона «Isuzu NP 37» автобусларини харид қилиш мақсадида шартнома имзолаган. Бугунги кунда ана шу транспорт воситалари орқали МЧЖ «Урганч буюм бозори-Урганч темир йўл вокзали» йўналишида аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда.**

## Шуҳрат сартарош шуҳрат қозонди

**Санкт-Петербург шаҳрида ташкил этилган сартарошлар халқаро танловида муваффақиятли иштирок этган ўзбекистонлик мутахассислар 12 та йўналиш бўйича ўтказилган фестивалнинг йигирмадан ортиқ совринига сазовор бўлдилар.**
**Хусусан, Шуҳрат Ҳамдамов «Замонавий эркаклар соч турмаги» номинациясида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Муҳаммад Шодмонов аёллар соч турмаклари бўйича бир нечта йўналишларда иккинчи ўринни банд этди. Бундан ташқари, «Ипак йўли» мавзуси бўйича ўтказилган танловда ҳакамлар ҳайъати Рустам Ашуров, Собир Зоидов, Светлана Лям, Николай Нам ва бошқа ҳамюртларимизнинг ишларини юқори баҳолади.**
**— Ушбу фестиваль шартлари ва ўтказиш тартиби бўйича жаҳон чемпионатига тенглаштирилади. Ана шу нуфузли танловда 30 дан ортиқ давлатдан келган юзлаб малакали сартарошлар қаторида 15 нафар ҳамюртимиз ҳам қатнашди, — дейди Ўзбекистон сартарошлар ва косметологлар уюшмаси раиси Фарҳод Шомуродов. — Шу ўринда жамоамиз ушбу фестивалда Марказий Осиёдан қатнашган ягона делегация эканини айтиб ўтиш лозим.**

## Олий ўқув юртлари рейтинги эълон қилинди

THE WORLD UNIVERSITY RANKINGS
Times Higher Education

**«Times» газетасининг иловаси бўлмиш «Times Higher Education» дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртлари рейтингини эълон қилди. Ушбу рўйхат «Thomson Reuter» агентлиги билан ҳамкорликда 140 мамлакатда фаолият юритувчи 10 минг нафар олимнинг баҳоларига асосланган ҳолда тузилган.**
**Рейтингда 2014 йилда бўлганидек, Гарвард университети энг юқори ўринда. Кембриж ва Оксфорд университетлари эса иккинчи ва учинчи поғоналарни банд этиб турибди.**
**Ўз навбатида, рейтингнинг юқори қисмидан Япония, Швейцария, Канада ва Сингапур олий ўқув юртлари жой олганини, МДҲ давлатлари орасида энг яхши кўрсаткични қайд этган Москва Давлат университети 25-ўринга кўтарилганини айтиб ўтиш жоиз.**

## «Тошкент-Бухоро» DWDM алоқа тармоги

**«Ўзбектелеком» АК Япониянинг NEC корпорацияси ҳамда «Toyota Tsusho» савдо уйи билан ҳамкорликда сониясига 100 Гбит маълумот ўтказиш имкониятига эга бўлган DWDM (тўлқин узунлиги бўйича маълумот узатиш каналларини зичлаштириш) алоқа тармоғини ишга туширди.**
**Мамлакатимиз пойтахтини Бухоро билан боғлашга хизмат қиладиган мазкур замонавий алоқа тармоғи Марказий Осиёдаги ана шундай салоҳиятга эга бўлган биринчи телекоммуникация тизимидир. Зеро, у сониясига 10 Гбит маълумот узатувчи анъанавий тизимдан бир қатор афзалликлари билан ажралиб туради.**
**Лойиҳа мамлакатимизда видео-телефония, интернет-телевидение, юқори тезликдаги интернет, HDTV ҳамда телекоммуникациянинг бошқа хизмат турлари кенгайишига замин яратиши табиий.**

Шуҳрат Хўжаев тайёрлади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Инновацион лойиҳалар фаол қўллаб-қувватланмоқда

**Хабарингиз бор, жорий йилнинг 12-13 март кунлари Банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари VIII BANKEXPO-2015 миллий кўргазмаси бўлиб ўтди**

**Шаҳзод НАЗАРОВ,**
«XXI asr»



Марказий банк ташаббуси билан ўтказилган нуфузли тадбирда мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари, йирик суғурта, лизинг ва инвестиция компаниялари ўзларининг энг янги технологиялари ва хизматлари, шунингдек, молия муассасалари учун ахборот технологиялари ишланмаларига ихтисослашган компаниялар ўз маҳсулотларини намойиш этдилар. Эътиборлиси, кўргазмага ташриф буюрган 50 мингга яқин тадбиркорлик субъекти ҳамда меҳмонлар банк-молия тизимининг сўнгги ютуқлари ва истиқболдаги ривожланиш йўналишлари, замонавий технология ҳамда хизматлар билан яқиндан танишишди.

Барча молия муассасалари қаторида «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ҳам кўргазмада фаол иштирок этди. Хусусан, банк томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ҳамда «BANKEXPO» кўргазмаси доирасида шу йилнинг февраль ойида эълон қилинган танловга бутун республикадан бизнес лойиҳалар тақдим этилди. Унда интенсив боғ яратиш, балиқчилик, чорвачилик, миллий матолар ва полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш, соғломлаштириш маркази ҳамда гўзаллик салонлари каби хизматлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган 140 дан ортиқ лойиҳалар иштирок этди.

Ғолиб ва совриндорлар 4 та номинация бўйича аниқланди. Жумладан, «Узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда амалга оширилган энг яхши лойиҳа» номинацияси бўйича биринчи ўринга банкнинг Навоий минтақавий филиали мижози — «Томчилаб суғориш — замон талаби» хусусий корхонаси раҳбари Ачил Якубов лойиқ деб топилди.

Иккинчи ўрин Андижондаги «Балиқчилик Машраббой ерлари» фермер хўжалиги раҳбари Машраббой Қодиров, фахрли учинчи ўрин эса Каттақўрғондаги «Ҳофиз бобо ОШД» КТХК раҳбари Собит Пардаевга насиб этди.

«Касб-ҳунар коллежи битирувчилари орасидан энг оригинал лойиҳа» номинациясида бош соврин банкнинг Қашқадарё минтақавий филиали мижози ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркор Нуриддин Худойбердиевга топширилди.

Иккинчи ўринга бухоролик якка тартибдаги тадбиркор Ботирали Шерназаров, учинчи ўринга «Оҳангарон пласт» МЧЖ раҳбари Жавлонбек Ёқубжонов лойиқ деб топилди.

«Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа» номинациясида бош соврин банкнинг Марғилон филиали мижози, якка тартибдаги тадбиркор Мансуржон Мирзахановга берилди. Иккинчи ўринга банкнинг Шўрчи филиали мижози, якка тартибдаги тадбиркор Баҳодир Давлатов, учинчи ўринга Чимбой филиали мижози, «Амангелди Меҳрибан» МЧЖ раҳбари Ҳамдулла Утамбетов лойиқ деб топилди.

Намангандаги «Фотима Зуҳра Мамадалиевна» МЧЖ раҳбари Дилдора Тўйчиеванинг лойиҳаси «Энг яхши тадбиркор аёл» номинациясида бош совринга сазовор бўлди. Иккинчи ўринга банкнинг Хоразм минтақавий филиали мижози, оилавий тадбиркор Шоира Худоёрова, учинчи ўринга Жиззах минтақавий филиали мижози, «Ойхумор Умида» МЧЖ раҳбари Ойхумор Куштаева лойиқ деб топилди.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар ҳамда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар билан тақдирланишди.

Саккизинчи бор ўтказилган «BANKEXPO-2015» доирасида «Қишлоқ қурилиш банк» ташкилий қўмита томонидан тўртинчи маротаба «Қишлоқ фаровонлигига қўшаётган ҳиссаси учун» номинацияси ғолиби деб топилди.

Бундан ташқари, банк «Оҳангарон жаннат мевалари» фермер хўжалигининг «Ҳўл меваларни сақлаш мақсадида қуёш батареялари ёрдамида ишлайдиган музлатгич ўрнатиш бўйича лойиҳа»сини қўллаб-қувватлагани учун «Инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» ҳамда кўргазма давомида банк стендини малакали мутахассислар билан таъминлаб, улар томонидан кўргазмага келган аҳоли ҳамда тадбиркорларнинг саволларига етарли жавоб бериб турганликлари учун «Энг яхши стенд персонали хизмати» номинацияси бўйича ҳам ғолибликни қўлга киритди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН
«БОФАНДА»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*барчамиз орзиқиб кутадиган,*
*янгиланиш ва яшариш,*
*шоду хуррамлик рамзи бўлган*
*Наврўз байрами*
*билан муборакбод этади.*
*Хонадонингизга тинчлик-омонлик,*
*оилангизга бахту саодат,*
*дастурхонингизга файзу барака тилаб,*
*ҳар кунингиз Наврўз бўлсин, деб қоламиз!*

